БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИИЛ ЧИҚИШИ
№ 46 (1308)
3 МАРТ СЕШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлар партия ва халқимизнинг монолит бирлигини, меҳнаткашларнинг коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси бўлган етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришга астойдил интилаётганлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга, совет демократиясининг зўр тантанасига айланди.

Совет демократиясининг зўр тантанаси

Биринчи март — якшанба куни кўп миллатли улуғ социалистик Ватанимизнинг иттифоқчи республикаларида — Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Молдавия, Латвия, Тожикистон ва Туркманистон Совет Социалистик Республикаларида иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Советларига ва маҳаллий Советларга ғоят баланд руҳ билан сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловлар партия ва халқ бирлигининг қудратли намойишига, совет демократиясининг зўр тантанасига, умумхалқ байрами ва шодиёнасига айланди, коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг улуғ кучини ва ҳаётийлигини кўрсатди.

СССР халқларининг улуғ қардошлик оиласига ихтиёрий равишда оирлашган ва биргаликда нурли коммунистик жамият қураётган руслар, украинлар, белоруслар, ўзбеклар, қозоқлар, молдаванлар, латишлар, тожиклар ва туркманлар КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан ғоят руҳланган ҳолда ўз миллий республикалари давлат ҳокимиятлари Олий органларини ва маҳаллий Советлар депутатларини сайлаш учун ўтган дам олиш куни сайлов қутилари ёнига бордилар. Улар халқимизни коммунизмнинг нурли чўққилари сари бошлаб бораётган ленинчи партиямизнинг доҳий сиёсати учун, шоҳли етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва КПСС XXI съезди қарорларини тўла амалга ошириш учун, она-Ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш учун қувонақувона овоз бердилар.

Социализм узил-кесил ғалаба қилган, коммунистик жамият қуришни кенг миқёсда авж олдириб юбориш даврига кирган бизнинг мамлакатимизда сайловлар ишчиларнинг, колхозчи-деҳқонларнинг ва совет зиёлиларининг ўзаро ҳамкорлиги, дўстлиги ва уларнинг бир-бирига ишончлари шароитида зўр тантана билан ўтади. Биринчи мартда бўлиб ўтган сайловлар ҳам буни яна бир марта тасдиқлади. Областимизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида ташкил этилган сайлов участкаларида сайлов куни сайловчиларнинг ватанпарварлик руҳи, ниҳоятда кўтарилган, шоди-ҳуррамлик туйғулари чексиз эди. Улар халқ қандидатлари учун овоз берар эканлар, бахтли ва фаровон ҳаётлари учун Коммунистик партияга ва жонажон Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилдилар, етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарф қилажакларини билдирдилар.

Совет социалистик давлатимизнинг гениал асосчиси В. И. Ленин таълим бериб айтган эдики, «Советларни меҳнаткашларнинг ўзлари, уларнинг революцион ғайрати ва ижоди вужудга келтирган, Советларнинг батамом омма манфаатларини амалга ошириш йўлида ишлашларини таъминлайдиган гаров фақат мана шундадир». Чиндан ҳам халқимиз сайлаган Совет ҳокимияти жаҳонда тенгги йўқ, энг демократик, интернационал, меҳнаткашлар оммасига жуда яқин ҳокимиятдир. Халқимиз сайлаган депутатлар — халқ хизматкорларидирлар. Буржуазия ҳокимияти эса халқ манфаатлари учун эмас, балки халқни алдаш, эзиш, эксплуатация қилиш, капиталистларни ва помешчикларни бойитиш қуроли бўлиб хизмат қилади. Империалистик уруш оловини ёқувчилар граждан қурилишларини камайтириш ҳисобига ҳарбий саноатни кенгайтирмоқдалар, зўр бериб қуролланмоқдалар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Москва шаҳар Калинин сайлов округи сайловчиларининг 1959 йил 24 февралдаги йиғилишида сўзлаган нутқида бундай деди:

«Бизнинг мамлакатимизда депутат халқнинг иродасини бажариши, унинг манфаатларини ифодалаши лозим. Советлар депутатларининг кучи шундаки, улар халқ билан чамбарчас боғланиб ишлайдилар. Зотан Советлар депутатларининг ўзлари ҳам ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, олимлар, адабиёт ва санъат арбобларидирлар. Улар халқнинг пушти камаридан бўлган кишилардир.

Буржуа давлатларида бундай аҳволни кўрмаймиз, буржуа давлатларида парламентлардаги депутатларнинг баъзи бирларидан ташқари кўпчилиги капитал эгаси бўлган кишилардир ёки миллионерлар ва миллиардерлар хизматини қилаётган кишилардир. Бизнинг депутатларимиз — чинакам халқ депутатларидир. Бизнинг Советларимиз, бизнинг парламентларимиз — Иттифоқчи республикаларнинг Олий Советлари, СССР Олий Совети, чинакам халқ парламентларидир.

Советларнинг депутатлари ўз сайловчиларининг доимий контроли остида турганликларини, уларнинг депутатлик фаолияти сайловолди кампанияси вақтида гапирган сўзлари, нутқлари билан белгиланмасдан, балки конкрет ишлари билан белгиланишини асло унутмасликлари керак».

Бу йил партия ва ҳукуматимиз Советларнинг фаолиятини яхшилаш, уларнинг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, социалистик демократияни бундан ҳам ривожлантириш ва меҳнаткашларни Советларнинг амалий ишларига янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида маҳаллий Советлар депутатлари сонини кўпайтиришни лозим топдилар. Бу йилги сайловларда ўтган сайловлардагидан маҳаллий Советларга анча кўп депутат сайланди. Маҳаллий Советлар состави социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигининг пешқадам кишилари, кўзга кўринган фан ва маданият арбоблари, партия ва совет ходимлари ҳисобига кўпайтирилди. Советларга кўпгина сергайрат, сертаҳаббус кишилар келди. Бу — улуғ халқ кучидир.

Советларнинг вазифаси — ана шу улуғ кучга таяниб, меҳнаткашлар ҳаётининг энг муҳим масалалари — уй-жой қурилиши, ободончилик, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишлари, болалар боғчалари ва ясли-лари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишларини янада яхши йўлга қўйишдан, хўжалик ва маданий қурилишнинг бошқа кўпгина муҳим соҳалари билан жиддийроқ шуғулланиб, ўзларининг активлигини янада оширишдан иборатдир. Газетамизнинг бундан аввалги сонида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий овқатланишни янада ривожлантириш ва яхшилаш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Советлар бу қарорнинг тўла бажарилишини таъминлашда муҳим роль ўйнамоғи керак. Партия ташкилотлари Советларнинг ишига ҳар томонлама ёрдам беришлари, уларнинг фаолиятларини тўғри йўлга солиб туришлари лозим. Коммунистик қурилиш манфаатлари Советларнинг фаолиятини бутун чоралар билан кучайтиришни талаб этади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлар партия билан халқ бузилмас бирлигининг, областимиз меҳнаткашлари етти йиллик план топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга, коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга оширишга астойдил интилаётганлигининг ёрқин намойиши бўлди.

Қаҳрамон совет халқи марксизм-ленинизмнинг улуғ ва голиб байроғини баланд кўтариб бораётган Коммунистик партия етакчилигида ер юзида энг адолатли ва гўзал жамиятни — коммунистик жамиятни қурмоқда, бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизмга томон қадил қадам ташлаб олға бормоқда.

Суратда: Киров районидаги 113-сайлов участкасида сайловчилар бюллетень олмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Москва. Красная Пресня районидаги 2-сайлов участкаси олдида. Суратда: КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев сайловчилар орасида.

В. Савостьянов фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Партия билан халқнинг бузилмас бирлиги

1 мартда Россия Федерациясида, Украинада, Белоруссияда, Ўзбекистонда, Қозоғистонда, Молдавияда, Латвияда, Тожикистонда ва Туркманистонда иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Советларига ҳамда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов бўлиб ўтди.

Бу йилги сайлов айниқса диққатга сазовордир. Коммунистик жамият қурилишни кенг авж олдиришнинг улуғвор программасини белгилаб берган КПСС навбатдан ташқари XXI съезди яқиндагина ўз ишини тамомлади. Жонажон мамлакатнинг ғалабалари билан фахрланиб, илҳомбахш перспективалардан руҳланиб, сайловчилар коммунизм қурилишида янги ғалабалар учун, ўзларининг бахт-саодати учун овоз беришга бордилар. Сайлов ҳамма жойда совет кишиларининг катта ва қувноқ байрамига айланди, ғоят ҳушчаклик билан ва меҳнаткашларнинг зўр активлиги билан ўтди.

Тенг совет социалистик республикаларнинг биринчиси — Россия Федерациясининг территорияси жуда катта. Баҳорнинг биринчи ой бошланиши билан бир вақтга тўғри келган сайлов кунида Догистоннинг баланд тоғли овулларидан тортиб Находка бухтасигача, Эльбурс тоғ этакларидан тортиб Архангельск областининг ўрмонзорлардаги посёлкаларигача ҳамма жойда байрамлардагидек шоду ҳуррамлик ҳукм сурди.

Москва — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг пойтахти. Минглаб москвиликлар ва уларнинг меҳмонлари биринчи троллейбуслар ва автобуслар билан бир вақтда кўчаларга чиқдилар. Радио карнайларидан музика садолари жаранглаб эшитилар, сайлов участкаларига кираверишдаги электр чироғлар нур сочиб, қизил алвонларга ёзилган: «Хуш келибсиз!» деган сўзларни ёритиб турар эди.

Москва шаҳар Калинин сайлов округининг 17- сайлов участкаси биносида прожектор заводининг ишчилари овоз бердилар. Корхона коллективи сайловни меҳнат соҳасида ажойиб ғалаба билан кутиб олди. Завод ойлик планини муддатидан олдин бажариб, район бўйича илғорлар қаторига чиқди.

Пойтахтнинг 56- сайлов участкасида Лихачев номли заводнинг автомобилсозлари овоз бердилар. Кадр ишчилар, совет машинасозлиги ветеранларининг ишончли ўринбосари бўлган ёш ишчилар кандидатларнинг номи ёзилган бюллетенларни биринкетин оладилар. Уларнинг ҳар қайсиси сайловни ишлаб чиқаришда муваффақиятлар билан кутиб олди.

... Москванинг ғарби-жанубий қисмидаги ўн саккизинчи кварталда барпо этилган уй-жой массивининг қад кўтариб турган бинолари тонг пайтида айниқса улуғвор бўлиб кўринади. Баъзи корпуслар фойдаланиш учун топширилган. Бу уйларда яшовчи кишилар эрталабдан 99-сайлов участкасига томон йўл олдилар.

Бу участкада сайловчилар рўйхати фақат 23 февралдагина тузилиб бўлди. Янги квартираларга кишилар кўчиб келган сари рўйхат ўсиб борди. Янги уйларга кўчиб келган кишилар шу ажойиб кунда сайлов участкасида, халқ ҳокимияти сайланган жойда учрашдиларки, бу ҳокимиятнинг иродаси билан Ленинские Горида каттакон район вужудга келтирилди.

Ленинские Горидаги Москва университетининг вестибюлларидан бирида ёшлар тўпланди. Студентларнинг кўплари Совет Конституцияси берган буюк ҳуқуқдан биринчи марта фойдаланди. Булар орасида олмаоталик студент Ю. Михеев бюллетен олди. У билан бирга унинг курсдоши, яқиндагина бетончи бўлиб ишлаган, Ленин номли стадион ва телевидение марказини қуришда қатнашган П. Цирульников ва бошқалар ҳам овоз бердилар. Уларнинг ўқитувчилари: академиклар А. Несмеянов, А. Топчиев, Д. Скобельцин, И. Петровский, Б. Стечкин, Е. Варга, А. Деборинлар сайлов қутилари олдига келадилар.

Москвада сайлов зўр ватанпарварлик ғайрати вазиятида ўтди. Соат 16 га қадар москвиликларнинг 97,9 проценти овоз бериб бўлди. Улар билан бирга ҳозирги вақтда пойтахтда меҳмон бўлиб турган Молдавия токчилари, Воркута шахтерлари, Калининдан келган учувчилар ва коммунизмнинг порлоқ биносини қуришда, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашда ажойиб ишлаётган бошқа кўп совет кишилари хурсандлик билан ўз гражданлик бурчларини ado этдилар.

Ленинград меҳнаткашлари маҳаллий Советларга 18,5 минг депутат ва Россия Федерацияси Олий Советига 33 депутат сайладилар, яъни ўтган сайловлагига қараганда 3 минг киши кўп сайланди.

Нева заставаси! Ленинграднинг ўз революцион ва меҳнат традициялари билан шуҳрат қозонган йирик ишчи райони. 7- сайлов участкаси. Бу ерда шаҳар йўлларини қурувчи эр-хотин Мазаевлар биринчи бўлиб ўз гражданлик бурчларини ado этдилар. Улар Нева районининг йўл трестида ўн йилдан бери бирга ишлаб келмоқдалар. Евгений Евгеньевич Мазаев қора ишчи эди, эндиликда эса у экскаватор машинистининг ёрдамчиси, унинг хотини Лидия Степановна биринчи даражали ишчи бўлиб қолган.

Ленинградда сайловчиларнинг ярмидан кўпроқ қисми соат 12 га қадар овоз бериб бўлди. Сайловнинг муваффақиятли ўтганлиги тўғрисида Арктикадан, Болтиқ пароходчилигининг Атлантика сувларида, Тинч ва Ҳинд океанларида сузиб юрган кемаларидан радиограммалар олинди.

Хабаровскда, қаҳрамон шаҳар Сталинградда, индустриал Свердловскда, қадимий Брянскда ва Россия Федерациясининг бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларида сайлов сайловчиларнинг зўр активлиги вазиятида ўтди.

Украина пойтахти — Киев. Ленин районидаги 17-сайлов участкаси янги мактабнинг ёруғ биносида жойлашган. Март эртасида тонг ёришмасданоқ кўп сайловчилар участкага томон йўл олдилар. Кекса одам — Михаил Васильевич Калиновский сайлов участкасига шаҳдам қадам босиб кириб келади. У ўз гражданлик бурчини биринчилар қаторида ado этди. Киевликлар кекса большевик, арсеналликлар кўзғолонининг актив қатнашчиси, 1918 йилда Украина кўзғолончилари иккинчи бригадасининг собиқ командири Михаил Васильевичнигина эмас, балки унинг бобосини, отасини, ака-укаларини, жиянларини — Калиновскийларнинг бутун беш авлод династиясини В. И. Ленин номли «Арсенал»нинг энг яхши ишчилари сифатида яхши биладилар.

— Мен севикли Ватанимнинг равнақи учун, тинчлик ва халқлар дўстлиги учун, жонажон Ленинчи партия учун, бахтиёр коммунистик истиқбол учун овоз бердим, — деди у сайловчилар олдида.

Кекса коммунист ана шу сўзлари билан Киев меҳнаткашларининг фикр-зикри ва орзуларини ифода этди. Киевликлар коммунистлар билан партиясизлар блоки кандидатларини ёқлаб зўр активлик билан овоз бердилар.

Сталинода, Луганскда, Харьковда, Запорожьеда, Днепропетровскда, Одессада, Львовда ҳамда Украинанинг бошқа кўпгина шаҳар ва қишлоқларида сайлов актив ва уюшқоқлик билан ўтди.

Белоруссия меҳнаткашлари Белоруссия ССР Олий Совети ва республика маҳаллий Советлари депутатлигига 78 мингдан ортиқ ўз вакилларини кўрсатган эдилар. Булар орасида — партия ва совет раҳбар ходимлари, ишчилар, колхозчилар, ёзувчилар, композиторлар, артистлар, олимлар, Совет Армияси жангчилари бор.

Эрталабки жим-житликда Кремль курантининг жаранглаши эшитилиши биланоқ Совет Белоруссиясидаги ҳамма сайлов участкаларининг эшиклари кенг очиб қўйилди. Сайлов бошланиб, у белорус халқининг Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашганлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди.

Роса соат олтида Олмаотадаги 188 сайлов участкасидаги эшиклар меҳмондўстлик билан кенг очиб қўйилди. Металлистлар, винокорлар, олимлар, Қозоғистон ССР корхоналари ва муассасаларининг ходимлари сайлов қутилари олдига келадилар.

Бу сайловда Қозоғистон ССР Олий Советига 450 кандидат овозга қўйилди, бу эса ўтган сайловлардагига қараганда 25 киши кўпроқдир. Совет ҳокимиятининг маҳаллий органларига ўтган сайловлардагига нисбатан 11 минг депутат кўпроқ сайланди. Республиканинг ҳамма қисмида сайлов ғоят баланд руҳ билан ўтди.

Молдавия меҳнаткашлари ўзларининг сайлов олди йиғилишларида давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига 281 кандидат ва маҳаллий Советлар депутатлигига қарийб 24 минг кандидат кўрсатдилар. Халқ кандидатлари орасида илғор ишчилар ва колхозчилар, партия ва совет органларининг ходимлари, интеллигенция намояндалари бор. Республикада овоз бериш рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 90 процентидан кўпроқ қисми кундуз соат иккигача ўз гражданлик бурчини ado этди.

Латвия меҳнаткашлари Совет Конституцияси берган ҳуқуқдан фойдаланиб, овоз беришда актив қатнашдилар.

Рига шаҳар Ленин районидаги 1-сайлов участкасида коммунистик меҳнат коллективи фахри номини олиш учун курашаётган Я. Луриньш бошлиқ бригада бутун состави билан овоз берди.

Латвия ССР даги кўпгина сайлов участкаларида сайловчиларнинг ҳаммаси кундуз соат 13 гача овоз бериб бўлди.

Тожик халқи 1 мартда республика Олий Советига 300 депутат ва маҳаллий Советларга қарийб 15 минг кишини сайлади, бу эса ўтган сайловлардагидан уч минг киши кўпроқдир.

Туркманистон ССР Олий Советига 282 киши овозга қўйилди, бу эса ўтган сайловлардагидан 24 киши ортиқ. Меҳнаткашлар депутатларининг область, шаҳар, район, қишлоқ ва поселка Советларига сайланган депутатларнинг сони 2.883 киши ортиқ бўлди.

1 мартда иттифоқчи ва автоном республикалар Олий Советларига ҳамда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов бўлиб ўтган барча иттифоқчи республикаларнинг меҳнаткашлари якдил овоз беришлари билан ва сайлов шарафига меҳнат соҳасида эришган ғалабалари билан жонажон Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашганликларини, партия XXI съезднинг қарорларини амалга ошириш учун бутун кучларини сарф қилишга қатъий бел боғлаганликларини намойиш қилдилар. (ТАСС).

Буюк Британия Бош Министри Г. Макмиллан Ленинградда

ЛЕНИНГРАД, 1 март. (ТАСС). Буюк Британия Бош Министри Гарольд Макмиллан, Ташқи ишлар министри Селвин Ллойд, элчи сэр Патрик Райли ва англиялик бошқа меҳмонлар бугун эрта билан Ленинграддаги М. В. Фрунзе номли олий ҳарбий денгиз ўқув юртида бўлдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси И. В. Спиридонов ва бошқалар Англия давлат арбоблари билан бирга келдилар.

Меҳмонлар аудиторияларни, синфларни, кабинетларни кўздан кечирдилар, офицерлар билан суҳбат қилдилар.

Ўқув юртининг бошлиғи вице-адмирал В. Л. Богденко Буюк Британия бош министрига эсдалик совғаси қилиб денгиз кортигини топширди.

Гарольд Макмиллан ва унинг ҳамроҳлари ҳарбий-денгиз ўқув юртини кўриб чиққанларидан кейин шаҳар бўйлаб саёҳат қилдилар. Улар Нева соҳилларидан, Сарой майдонидан ўтдилар.

Ленинградликлар Г. Макмиллан ва А. И. Микоянни самимий табрикладилар.

Меҳмонлар Нева проспектида жуда катта гастрономия магазинига кирдилар. Магазинда харидорлар кўп эди. Шундан кейин улар А. А. Жданов номидаги пионерлар саройига бордилар. Бу ерда шаҳардаги сайлов участкаларидан бири ташкил этилган. Г. Макмиллан ва А. И. Микоян шу жойга тўпланган кўп сайловчилар орасидан ўтиб, саройнинг хоналарини қараб чиқдилар. А. И. Микоян сайлов бюллетенлари олиб, уларни овоз бериладиган залдаги қутига солди.

Г. Макмиллан овоз бериш тартибини кузатиб турди.

Меҳмонлар хоналарнинг бирида бир тўда пионерлар билан суҳбат қилдилар.

Тушдан кейин бош министр Г. Макмиллан ва унинг ҳамроҳлари Эрмитажга бордилар. Улар моҳир ғарб рассомлари асарларининг машҳур коллекциялаэини тамоша қилдилар.

Кечқурун Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Смирнов Буюк Британия Бош Министри Гарольд Макмиллан шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Англия ҳукуматининг бошлиғи билан бирга Ташқи ишлар министри Селвин Ллойд, Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси сэр Патрик Райли ва англиялик бошқа меҳмонлар ҳам бор эди.

Зиёфатда совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси И. В. Спиридонов, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Н. И. Смирнов, Г. Макмиллан ва А. И. Микоян нутқ сўзладилар.

Буюк Британия Бош Министри Гарольд Макмиллан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан учрашди

Киев ва Ленинградга қилган сафаридан Москвага қайтиб келганидан кейин Буюк Британия Бош Министри Гарольд Макмиллан 2 март куннинг иккинчи ярмида Кремлда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан учрашди.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари иккала томонни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашувни давом эттирдилар.

Суҳбат вақтида Н. С. Хрушчев билан бирга СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик, СССР Ташқи ишлар министрлиги иккинчи Европа бўлимининг мудири Н. Д. Белохвостиков қатнашдилар.

Англия томонидан суҳбатда Г. Макмиллан билан бирга Ташқи ишлар министри Селвин Ллойд, Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси сэр Патрик Райли ва кабинет секретари сэр Норман Брук қатнашдилар.

Тошкент декада қатнашчиларини кутиб олмоқда

2 март эрталаб. Тошкент вокзалининг перрони Москвадан скорий поездни кутиб олувчилар билан лиқ тўлган эди. Бу ерда ўзбек халқининг вакиллари — Ўзбекистон санъати ва адабиётининг қатнашчилари самимий равишда кутиб олинди.

... Ҳаш-паш дегунча йўлдаги кунлар ҳам ўтиб кетди. Ёрқин таассуротлар билан пойтахтдан қайтаётган декада қатнашчилари бутун йўл давомида ҳам Ватанимизнинг самимий илтифотини ҳис этиб келдилар. Москвадаги шодиёна кузатувлардан кейин улар Қизилўрда станциясида бўлган митингда Қозоғистон меҳнаткашлари билан учрашдилар.

Мана, жонажон Тошкент ҳам жилё кўрсатди. Поезд тўхташи билан қўлларида гулдасталар ушлаган юзлаб кишилар вагонлар томон ошиқишди. Кутиб олувчилар орасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Хўжаев, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири Ғ. Н. Нажимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретарлари П. М. Сазонов, И. Р. Арнаутов, республика Маданият министрининг ўринбосари И. М. Федоренко, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосарлари Ш. И. Исломов, Х. Р. Мусохонова, партия, совет, комсомол ва жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, санъат ва адабиёт арбоблари, декада қатнашчиларининг қавм-қариндошлари ва ёрдўстлари бор эди.

Перронда митинг бўлди. Уни Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Ф. Хўжаев очди.

Декада, деди у, Ўзбек халқи барча социалистик маданиятининг улкан байрами, кўп миллатли совет санъати ва адабиёти гуллаб-яшнаётганлигининг ёрқин далили. Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг тантанаси бўлди. Декада Ўзбекистон санъати ва адабиёти арбобларининг маҳорати ўсганлигини, КПСС XXI съезди томонидан белгиланган коммунистик қурилиш программасини амалга оширишга уларнинг тайёр эканликларини кўрсатди.

Ўртоқ Хўжаев декаданинг муваффақиятли тамом бўлиши муносабати билан унинг қатнашчиларини Тошкент шаҳри меҳнаткашлари номидан қизғин табриклади ва уларга янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Октябрь революцияси номидаги заводнинг қозончиси Р. В. Бек микрофон олдига келади.

Сизларни, дейди у, ўзбек халқининг маданиятини юксалтиришда эришилган ва Ватанимиз пойтахтида намойиш қилинган ажойиб муваффақиятлар билан Октябрь революцияси номидаги завод коллективи, Тошкент шаҳрининг барча ишчилари номидан табриклашга ижозат бергайсиз. Ўзбекистоннинг санъати ва адабиёти тағин ҳам ёрқин гуллаб-яшнасин, коммунизм қураётган совет кишиларининг шонли ишларини мадҳловчи асарлар янада кўпроқ бўлсин!

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов декада қатнашчиларини республика олимлари номидан табриклади. Биз сизларнинг Москвадаги чиқишларингизни қонуний фахрланиш туйғулари билан кузатиб турдик, деди у. Ана шу чиқишларда партиянинг ленинча миллий сиёсатининг қудратли қаётий кучи ёрқин намоён бўлди. Ҳеч бир шубҳа йўқки, Ўзбекистон санъати ва адабиёти арбоблари КПСС XXI съезднинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, замонамизга муносиб янги асарлар яратадилар.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ортиқов Москвадаги ижодий кўрикнинг муваффақиятли ўтганлиги билан санъат ва адабиёт усталарига колхозчиларнинг самимий табрикларини топширди.

СССР халқ артисткаси Сора Эшонтўраева жавоб нутқи сўзлади. Сизларнинг чин юракдан кутиб олаётганлигингиз бизга чуқур таъсир қилди. Мана шундай шодиёналик билан кутиб олганингиз учун декада қатнашувчилари номидан сизларга миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз. Совет Ватанимизнинг пойтахти—Москвада ўз санъатимиз ва адабиётимизнинг муваффақиятлари намойиш қилинган ана шу ўн кун бизнинг хотирамизда абадий қолади. Ўзбекистон социалистик маданияти ютуқлари кўриги КПСС XXI съездидан кейинги шонли кунларда ўтганлиги учун ҳам декада қатнашчилари зиммасида зўр масъулият турарди. Декада шаклан миллий, мазмунан социалистик ўзбек маданиятининг, чинакам байрами бўлди.

Биз, деди пировардида Ўртоқ Эшонтўраева, Москвада берилган юксак баҳодан ғоят руҳланиб, янги зўр ишларга тайёр ҳолда, партия XXI съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашга муносиб ҳисса қўшиш учун куч-ғайратга тўлиб-тошган ҳолда Тошкент тупроғига қадам қўймоқдамиз. (ЎзТАГ).

Областимиз меҳнаткашлари коммунистлар билан партиясизлар блокининг кандидатлари учун якдил бўлиб овоз бердилар

Суратларда: 1. Оржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг қариялари 108 ёшли пенсионер Эрназар ота Тайлоқов ва 85 ёшли Қаюм ота Қодиров коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларини қувонч билан сайламоқдалар. 2. Тошкент шаҳар Киров районидаги 93-сайлов участкасида сайловчилар сайлов қутисига бюллетень ташламоқдалар. 3. Чиноз районидаги 12-сайлов участкасида биринчи марта сайловда қатнашаётган ёшлар А. Юсупалиева ва М. Сатторқулов овоз бермоқдалар.

В. Сироткин, И. Глауберзон ва М. Устабобоев фотолари.

РЕПОРТАЖ

САЙЛОВ ТОНГИДА

Тонг саҳар янграган карнай ва сурнайларнинг ёқимли садолари ажиб бир шодиёнадан дарак берди. Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Янги турмуш ва Иқтисод маҳалларининг меҳнаткашларини ҳам барвақт уйғотди. Ҳа, бугун сайлов. Ҳамма уйда тараддуд. Ёшу-қари катта тўйхонага отлангандек шошилади. Мана байрамлардагидек безатилган 35-мактаб биноси. Бу ерга 184-сайлов участкаси жойлашган. Икки маҳалланинг меҳнаткашлари шу ерда овоз берадилар. Бу safар ҳам мактаб чироқлари тун бўйи ўчмади. Уйин, кулги, турнир тонг отгунча давом этди. Соат бешларга бориб бу тантаналиқ сурнай, ноғора, чилдирманинг тантанали овозлари янада авжга чиқарди. 75 ёшлиқ Юсуф ота сайлов участкасига келганда ҳали соат беш ҳам бўлмаган эди. Янги турмуш маҳалласининг ҳаваскор созандаларидан сурнайчи Ғуломжон Мирзаев, ноғорачи Раъбар Акбаров, чирмандачи Хусанча Раъбаровлар шўх бир куйни моҳирлик билан чалишаяпти. Сервақ сайловчилардан баъзилари дилрабо куйнинг мақомига берилиб, ўйинга тушиб кетишган. Қарсаклар чалинади. Шодлик хитоблари янграйди. Кексалар «барака топларинг, кўп яшаларинг» деб ёшларни олқишлайдилар.

Соат олтига яқинлашмоқда. Ҳамма ўз вазифасини аниқлаб олиб, ишга киришди. Бу ерада митинг ҳам бошланиб қолди. Мазкур сайлов участкаси қошидаги 26-агитпункт мудирининг ўринбосари, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Қурбон Юсупов сайловчилар эътиборини ўзига жалб қилди.

— Ҳурматли сайловчилар, маҳаллаларимизнинг азиз меҳнаткашлари, — деб сўзини бошлади у. — Бугун республикамиз меҳнаткашлари СССР Конституциясига ёзилган одилона ҳуқуқлардан фойдаланиб, ўзларининг гражданлик бурчларини адо этишдан ҳам барвақт уйғотди. Ҳа, бугун сайлов. Ҳамма уйда тараддуд. Ёшу-қари катта тўйхонага отлангандек шошилади. Мана байрамлардагидек безатилган 35-мактаб биноси. Бу ерга 184-сайлов участкаси жойлашган. Икки маҳалланинг меҳнаткашлари шу ерда овоз берадилар. Бу safар ҳам мактаб чироқлари тун бўйи ўчмади. Уйин, кулги, турнир тонг отгунча давом этди. Соат бешларга бориб бу тантаналиқ сурнай, ноғора, чилдирманинг тантанали овозлари янада авжга чиқарди. 75 ёшлиқ Юсуф ота сайлов участкасига келганда ҳали соат беш ҳам бўлмаган эди. Янги турмуш маҳалласининг ҳаваскор созандаларидан сурнайчи Ғуломжон Мирзаев, ноғорачи Раъбар Акбаров, чирмандачи Хусанча Раъбаровлар шўх бир куйни моҳирлик билан чалишаяпти. Сервақ сайловчилардан баъзилари дилрабо куйнинг мақомига берилиб, ўйинга тушиб кетишган. Қарсаклар чалинади. Шодлик хитоблари янграйди. Кексалар «барака топларинг, кўп яшаларинг» деб ёшларни олқишлайдилар.

Соат олтига яқинлашмоқда. Ҳамма ўз вазифасини аниқлаб олиб, ишга киришди. Бу ерада митинг ҳам бошланиб қолди. Мазкур сайлов участкаси қошидаги 26-агитпункт мудирининг ўринбосари, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Қурбон Юсупов сайловчилар эътиборини ўзига жалб қилди.

— Ҳурматли сайловчилар, мамлакатимизнинг ҳаётини қайта қуриш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳалқ турмушини яхшилашга оид партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, коммунизм қурувчи янги инсонни тарбиялаш соҳасида кўраётган катта тадбирлари ҳақида сўзлайди.

— Мен, — дейди у, — мамлакатимиздаги миллион-миллион ёшлар қатори партиямиз яратиб берган имкониятлардан фойдаланиб, ҳам ўқияпман, ҳам ишлаяпман. Бунинг учун улуғ партиямиздан, жонажон ҳукуматимиздан чексиз миннатдорман.

Сайлов участкасининг раиси, Октябрь райпромкомбинатига қарашли металл ишлаш заводининг директори Восиқ Раҳмонов сайловчиларга мурожаат қилиб, овоз бериш вақти етганлигини айтади ва уларни ўз бурчларини адо этишга таклиф қилади.

Овоз бериш пунктида қайнайди. Секретарларнинг, уларга ёрдам бераётган агитаторларнинг ишлари жадал. Меҳнаткашлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб, бюллетенларни олиб, уларда номлари қайд этилган кишиларнинг исми ва фамилияларини яна бир бор ўқиб, овозларини берадилар. Бирин-кетин ишчилар, хизматчилар, ўқитувчилар адабиёт ва санъат ходимлари бюллетенларни оладилар. Мана, 19-нонвойхона ишчиси, ёш сайловчи Сайдаҳмад Сайдаъзамов овоз беради. Кейин бошқа касбдаги кишиларни учратиш мумкин. Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт заводи чўян қуюв цехининг ишчиси Ғани Шарипов бюллетени олар экан, Коммунистик партиянинг меҳнаткашлар фаровонлиги ҳақидаги ғамхўрликларидан ниҳоятда хурсанд эканлигини айтади.

Сайлов пунктида меҳнаткашларнинг хурсандчилик қилишлари учун ҳамма имкониятлар бор эди. Уйин-кулги, музика тинмайди. Меҳнаткашлар кетма-кет келиб овоз бермоқдалар. Сайлов участкасида ҳаёт қайнаганданқайнади. Соат етти бўлмасдан беш юздан ортиқ сайловчи овоз берган эди. Ўн бирларга бориб одам сийраклашиб қолди. Икки маҳалланинг меҳнаткашларидан икки мингдан ортиқ киши коммунистлар билан партиясизлар блокининг кандидатлари—камтар ва меҳнатсевар врач Павлова, ишчан шофер Николаев, ишчи Содиқова ва бошқаларга овоз бериб бўлган эди.

М. ЯҲЕЕВ.

Бу ерда ёшлар овоз берди

50-сайлов участкаси Қуйбишев районидаги 18-мактаб биносига жойлашган. Бу участкани ёш сайловчилар участкаси десак, сира хато қилмаган бўламиз. Мактаб билан бир қаторда Тошкент политехника институтининг умумий ётоқхонаси бор. Бу участкаларга сайловчиларнинг кўпчилигини студентлар ташкил қилади. Уларнинг бир группаси сайлов участкасининг ҳоналарига кириб келдилар. Улар келиши билан ҳоналар гавжум ва хушчақчақ бўлиб кетди. Айрим сайловчилар билан танишайлик. Мана икки ажралмас дўст— Абдумутал Қурбонов билан Анвар Набиев. Буларнинг номларини институтнинг барча факультетларидаги студентлар яхши биладилар. Абдумутал билан Анвар аълочи студент бўлибгина қолмай, улар яхши пахтакор ҳамдирлар. Қурбонов пахта йиғим-теримида комсомол бригадасини яхши бошқариш билан бирга, ўзи кунига 80 — 90 килограммдан пахта терди.

Мана яна бир сайловчи қутиси олдига келди. У, ҳамма ҳурмат билан тилга оладиган Толмас Дўсбобоев. Энергетика факультетининг III курсида ўқиётган бўлажак инженер бизга жуда ёқиб тушди. Унинг дўстларидан бири: «Йигитча ўтдай чақнайди» деб бекорга айтмади. Толмас ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам, шунингдек пахта йиғим-теримида ҳам олдинда борди. У бошлиқ бўлган бригада мусобақанинг байроқдори бўлиб келди. Ўртоқлари Толмасга катта ишонч билдиришган. У институт комсомол ташкилоти комитетининг аъзоси.

Ёш сайловчилар ўзларининг гражданлик бурчларини адо этиб бўлганларидан кейин, тамоша залига ўтадилар. Бу залда уларнинг институтдошлари — балиний ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчилари ашула айтиб, ўйинга тушмоқдалар.

Участкада кечқурун соат 6 дан сайловчиларнинг 90 проценти овоз бериб бўлган эди. Лекин у ерда бўлаётган ўйин-кулги, ашула садолари узоқ вақтгача янграб турди. Бу умумхалқ байрамининг тароначи, ўзюк етти йилликнинг илк қувонч садолари эди.

С. НЕСТЕРОВИЧ.

Бирдамлик билан

Саноат шаҳри Чирчиқда 1 март куни тонг қоронғисидаёқ ҳаёт қайнай бошлади. Кўчалар, муҳташам бинолар, клуб ва кино-театрлар, маданият саройлари бинолари байрамдагидек безанган. Кимёгарлар, машинасозлар, энергетиклар, винокорлар, тикувчи ва пойафзалчилар ўз гражданлик бурчларини адо этиш учун сайлов участкалари томон оқиб бормоқдалар. Кўча ва хиёбонлар, сайлов участкалари ажойиб файз кашф этган. Ҳаммаёқда ўйин, кулги, хушчақчақ суҳбатлар, мароқли куйлар авжида.

Шаҳар меҳнаткашлари шунинг учун ҳам беҳад қувонмоқдаларки, улар бу умумхалқ байрами кунини меҳнат зафарлари билан нишонладилар. «Узбекхиммаш» заводи коллективи икки ойлик планни муддатидан олдин бажарди. Ўтган ойда завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари уч хил янги машина ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар ва уларнинг дастлабки нусхаларини кимё саноати корхоналарига жўнатдилар.

Қишлоқ хўжалик машинасозлари пахтачилик учун зарур машина ва механизмларни белгиланганидан анча кўп чиқариш билан бирга, шу йилнинг икки ойи мобайнида 55 та рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилдилар ва бунинг натижасида 400 минг сўмлик давлат маблағини тежаб қолдилар.

Мана, Совет сайлов участкаси. Участка сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ Бачурина соат роса 6 бўлгач, тўпланиб турган кишиларни овоз беришга таклиф этади. Биринчи бўлиб пенсионер врач Анна Гиоргиевна Волгина овоз беради. Ў, сайлов қутисига бюллетенларни ташлар экан; «Болалар ва ёшларнинг бахти учун, тинчлик учун овоз бераман» деди.

Бу ҳурматли кексадан кейин сайлов қутиси олдига келган 13-ҳунар мактабининг ўқувчиси, Валя Школьникова тўққинланиб келаётган ҳаяжонини зўрға босиб, шундай деди:

— Бугун биринчи марта сайловда қатнашмоқдаман. Мен ўз дўстларим қатори жонажон Ватанимиз ва ижодкор халқим учун бутун умрим ва кучимни аямай сарфлайман.

Шунингдек, шаҳарнинг бошқа 29 сайлов участкасининг ҳаммасида ҳам сайловлар ғалаба ва шоду-хуррамлик билан ўтди. Меҳнаткашлар пешингача асосан овоз бериб бўлдилар. Улар новатор ишчилар Абил Турсунбоев, Алибой Рўзматов, Рустам Зоҳидов, Ҳамат Галяутдинов ўртоқлар сингари меҳнатда шахсан намуна кўрсатаётган. обрў-эътиборли кишилар учун якдиллик билан овоз бердилар.

О. ЛЕВАК.

Ойжамолнинг қувончи

Еришмаган ҳали кумуш тонг,
Ғир-ғир эсар ёқимли шамол.
Бугун жуда эрта уйғонган
Пахтакор қиз гўзал Ойжамол.
Гул-гул яшнар, қалби тепар
шод.

Юзларида ўйнар табассум.
Манглайини ўпар эркалаб,
Тонг шамоли тўхтамай бир зум.
Кўкни тутар карнай —
сурнайнинг

Роҳатижон, шўх-шўх овози,
Шаҳар бўйлаб тинмайди қўшиқ,
Яллаларнинг жўшқин парвози,
Чунки бугун сайлов, элда тўй,
Бугун юртда улкан тантана!
Баҳодир халқ ўғил-қизларин
Завққа тўлиб сайлайди яна!...

Мана сайлов участкасига
Кундай яшнаб келди Ойжамол,
Ғурури зўр, қалбда ҳарорат.
Юзлари гул, қадди баркамол.
Илк овозин берркан, гўё
Нур таралди шахло кўзидан,
Иккн оғиз сўзлади фақат,
Бол татиди айтган сўзидан:
— Эндигина ўн саккиз баҳор
Юзин кўрдим, бўлдим бахтиёр!
Қанот берди бир умр синмас,
Жондан азиз шу гўзал диёр!
Шунинг учун хурсандман беҳад,
Шунинг учун жарангдар созим!
Ғолиб халқим номзодларига
Қувонч билан бердим овозим!

Ҳамид ҒАФУРОВ.

Тўқимачилар овози

Тўқимачилар Саройи атрофида муҳташам бинолар, ҳуш манзара ҳиёбонлар. Тўғрироғи бу ерни тўқимачилар шаҳарчаси деб атаса ҳам бўлади. Бу шаҳарчадаги қайси сайлов участкасига борманг у ерда «бизнинг кўпчилик сайловчиларимиз тўқимачилар» деб фахрланишади.

Мана 140-сайлов участкаси. Бу ерда соат ҳали 6 бўлмаёқ талайгина сайловчилар тўпланишган эди.

— Бугун биз ҳалқимизнинг сараси, ишончимизни оқловчи фарзандларимиз учун овоз берамиз, — дейди сайлов участкасининг раиси ўртоқ В. Ф. Макаров. Сўнгра тўқимачилик комбинатида узоқ вақт ишлаб, меҳнати сингган пенсионер Н. М. Дубровин биринчи бўлиб бюллетенни қўлга олади.

— Олий Советга ҳам, маҳаллий Советларга ҳам коллективимиз етиштирган асл фарзандларимиз номзодлари кўрсатилган. Бу менинг жуда қувонтиради. Ана шу ўғил-қизларимиз учун овоз бераман,—деди ота. Сайловчилар бирин-кетин овоз бера бошлайдилар.

Шу сайлов участкасидан берироқдаги 139, 141, 152- сайлов участкаларида ҳам тўқимачилар овоз бераётирлар. Улар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига комбинатнинг донедор тўқувчиси Садди Пўлатова, пойафзал фабрикасининг тикувчиси Эргаш Юсуповларни, шаҳар ва Фрунзе район Советларига комбинатнинг илғор ва жамоатчи ишчиларидан Тоҳир Қўчқоров, Александра Владимировна Яригина, Мария Федоровна Алпатоваларни сайладилар.

Тўқимачилар саройига жойлашган 147-сайлов участкасида эса яна қувончли воқеаларни кўрамиз. Сайлов участкасининг раиси Ж. Бобожонов сайловчиларни табриклаб уларни овоз беришга таклиф этади.

«Таштекстилмаш» заводининг токари биринчи марта овоз бераётган Воҳид Юсупхўжаев бундай деди:

— Бу сайлов мамлакатимизда қатор тарихий воқеалар рўй бераётган ажойиб кунларга тўғри келди. Якинда ҳукуматимиз мактабларни қайта қуриш ҳақида янги қонун қабул қилди. Қонунда биз ёшларнинг билимдон, ҳунар эгаси бўлишимиз тадбирлари жуда тўғри кўрсатилган. Мен 8-синфни тамомлаб заводга одий ишчи бўлиб кирган эдим. Ишлаб туриб кечки ишчи-ёшлар мактабини тугалладим ва токарлик касбини эгалладим. Бунинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли юзага келди. Мен жонажон партиямиз ва ҳукуматимиз учун қувона-қувона овоз бераман, — дейди.

Бу массивдаги ҳамма участкаларда сайлов меҳнаткашларнинг зўр уюшқоқлиги билан ўтди.

Ф. УСМОНОВА.

Байрам шодиёнаси

Майин эсаётган баҳор шабадаси музика садоларини узоқ-узоқларга олиб кетади. Районнинг ҳамма ерида байрам шодиёнаси. Ишчилар, пахтакорлар, хизматчилар, студентлар чеҳрасида қувонч, лабларида табассум.

Улар коммунистик қурилиш ишини тезлаштиришга хизмат қиладиган ҳалқ депутатлари учун севина-севина овоз бермоқдалар.

— Мен бахтли ва фаровон ҳаёт тантанаси учун, коммунизм ғалабаси учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг янада мустаҳкамланиши учун овоз бераман, — деди биринчи бўлиб 2-сайлов участкасига келган 70 ёшли пенсионер Лидия Степановна Кракец.

Овоз бераётириб партия ва ҳукуматимизга шу сингари миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилган, партия XXI съезди белгилаб берган улуғвор программани амалга оширишга имкони борича кўпроқ ҳисса қўшажагини ҳаяжон билан айтганлар кўп бўлди.

Оржоникидзе районидаги шинам безатилган ҳамма сайлов участкалари шу куни меҳнаткашларга яхши маданий хизмат кўрсатди. Кундуз соат учгача деярлик ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлди.

М. БОЛТАБОЕВ,
Ш. УМРЗОҚОВ.

РАЙОН ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДАН

СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИ—МЕҲНАТ ВА ИЖОД ПРОГРАММАСИ

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

Тошкент шаҳар Қуйбишев район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда райком секретари ўртоқ **А. Бродова** КПСС XXI съездининг якунлари ва район партия ташкилотининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда чиқиб сўзлаган ўртоқлар партия XXI съездининг қарорларида етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ички резервларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги уқтирилганлигини таъкидладилар.

Етти йиллик мобайнида район саноатининг ялпи маҳсулоти бир ярим баравар кўпайиши керак. Район партия ташкилотининг вазифаси — саноат ва қурилишни талаб этилган даражада ривожлантириш учун, етти йилликнинг жуда катта ва масъулиятли вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш учун мавжуд ички резервларни аниқлаш ҳамда ундан тўла-тўкис фойдаланишни таъминлашдан иборатдир.

Район саноати 1959 йилнинг январь ойи планини муддатидан илгари бажарди, пландагига қўшимча равишда 8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Район саноат корхоналарида фойдаланилмаётган жуда катта ички резервлар борки, уларни аниқлаш ва ишга солиш етти йиллик план топшириқларини 6 йилда бажариш имкониятини беради.

Бироқ ҳамма корхоналарда ҳам ана шу резервлар тўла ҳисобга олиниб, уни ишга солиш юзасидан тегишли чоралар кўрилаётир, деб бўлмайди. Бунга мисол тариқасида «Ташкенткабель» заводини кўрсатиш мумкин.

Завод коллективи 1959 йил планини муддатидан илгари — 15 декабрда бажариш мажбуриятини олди. Лекин ана шу мажбуриятда кабель ишлаб чиқаришда жуда кўп ишлатиладиган мис ва алюминийни тежаш назарда тутилмаган. Агар завод коллективи мис ва алюминийнинг чиқиндига чиқишини максимум даражада камайтирса, бир неча юз тонна металлни тежаб қолиш ва шу ҳисобга кўп миқдорда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Айниқса «Ташсельмаш» заводида фойдаланилмаётган ички резервлар кўп. Улардан тўла фойдаланиш чораси кўрилса, шу йилнинг ўзидаёқ қўшимча равишда бир неча юз трактор ва пахта териш машинаси ишлаб чиқариш мумкин. Аммо завод холимлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмаётирлар. Бу, завод бош инженери ўртоқ **Винсиуровнинг** йиғилишдаги сўзидан ҳам аққол маълум бўлди. Унинг айтишича, айрим операцияларга сарфланадиган иш вақтини қисқартириш ҳисобигагина пландагидан ташқари ўнлаб янги конструкцияли пахта териш машинаси тайёрласа бўлади.

Экскаватор заводининг директори ўртоқ **Плотников** ўз сўзида завод коллективи бу йил иқтисод қилинган металл ва бошқа материаллар ҳисобига пландагига қўшимча равишда бир неча экскаватор тайёрлашга қарор қилганлигини кўрсатди. Завод рационализаторлари экскаваторларнинг айрим узелдари оғирлигини 100-110 килограммдан 80-85 килограммгача камайтириш таклифини киритдилар. Бу ҳаматли таклифни амалга ошириш заводга ва давлатга жуда катта фойда келтиради, маҳсулотнинг таннархини камайтириш имконини беради.

Резина буюмлари заводининг коллективи КПСС XXI съездининг қарорларига жавобан 1959 йил планини, шунингдек етти йиллик планни ошириб бажариш ва бу йил пландагидан ташқари бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Агар завод лабораторияси ишини яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўрилса, чидамли ва арзон резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўллари топилса, у ҳолда янада кўпроқ қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ҳамда унинг сифатини яхшилаш, давлатнинг кўплаб маблағини иқтисод қилиш мумкин бўлади.

Завод директори ўртоқ **Юнусов** шу ҳақда гапирар экан, завод лабораториясининг ишини яхшилаш учун ажратилган 4 миллион сўм маблағ айрим раҳбар ходимларнинг айби билан шу чоққача корхона ихтиёрига беримаётганлигини кўрсатди.

УзГЭС ремонт-механика заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Шпиннин** ўз сўзини меҳнат унумдорлигини ошириш масаласига бағишлади. Жумладан, у, бу соҳада коммунистик меҳнат коллективи ва бригадаси номини олиш учун мусобақалашаётган бригадаларнинг катта роль ўйнашини кўрсатди ва завод ҳаётидан мисоллар келтирди.

— Коммунист Васильев ва комсомол Чернов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари, — деди у, — коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун давом этаётган социалистик мусобақада қатнашиб, меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида ажойиб муваффақиятларга эришмоқдалар ва бу билан бошқаларга намуна кўрсатаётирлар. Ўртоқ Чернов бошлиқ бригаданинг аъзолари пайвандлашни автоматлаштириш ва ярим автоматлаштириш усулини ўзлаштирди. Бу, ҳар бир ишчи ҳисобига тайёрланаётган маҳсулотнинг миқдорини анча кўпайтириш имконитини бераётир.

Партия активи, йиғилиши қабул қилган қарорда КПСС XXI съездининг қарорларини якдиллик билан маъқуллади ва етти йиллик планни муваффақиятли бажаришнинг гарови бўлган ички резервларни аниқлаш ҳамда уларни ишга солиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

С. СУЛТОНОВ.

МАРКАЗИЙ РАЙОН

Актив йиғилиши қатнашчилари райком секретари ўртоқ **Шкуратов**нинг «КПСС XXI съездининг якунлари ва район партия ташкилотининг вазифалари» ҳақидаги докладини тингладилар ҳамда муҳокама қилдилар.

— КПСС XXI съезди,— дейди докладчи,— мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг илмий жиҳатдан асосланган улуғвор программасини белгилаб берди, партиямиз сафларининг монолит бирлиги ва унинг ленинчи Марказий Комитети тевaрагига маҳкам жипслашганлигини намойиш қилиб кўрсатди. Бутун совет халқи каби районимиз меҳнаткашлари ҳам етти йилликнинг буюк истиқбол режаларини зўр мамнуният билан қутиб олдилар ва уни амалга оширишга астойдил киришдилар.

Докладчи район саноат корхоналарининг коллективлари съезд шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўтган йили планни ошириб бажарганликлари, 1959 йил январь ойи топшириғини муддатидан илгари адо этганликлари ҳақида конкрет мисоллар келтирди.

Докладчи ва музокарада чиқиб сўзлаган нотиқлар етти йиллик мобайнида район хўжалигини ривожлантириш перспективаси ва ўз корхоналарининг юксалиш рақамлари ҳақида гапирдилар.

— Шонли партиямиз съездининг қарорлари, — деди электроламп заводининг инженери ўртоқ **Абдуллаев**,— 1958 йил планини муваффақиятли бажарган корхонамиз коллективини янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб юборди. Улар ўз имкониятларини тўла ҳисобга олган ҳолда, етти йилликнинг биринчи йили топшириғини 25 декабргача адо этишга аҳд қилдилар.

Нотиқ сўзини давом эттириб айтди, йил мобайнида олти хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Ишлаб чиқаришга янги ихтиротчилик ва рационализаторлик таклифларининг жорий қилиниши заводга бу йил икки миллион сўмдан ортиқ маблағни иқтисод қилиш имкониятини беради. Сўнгра ўртоқ Абдуллаев ёш ишчиларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга қулай шароит яратиб бериш лозимлигини таъкидлади.

Йиғилиш қатнашчилари Таштрам вагон-ремонт заводининг слесари, коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи ўртоқ **Смеловнинг** нутқини қизиқиш билан тингладилар.

— Бригадамиз аъзолари ўртасида, — деди нотиқ,—меҳнат интизоми ҳозир ҳар қачонгига қараганда ҳам мустаҳкамдир. Улар коммунистчасига ишлаш ва коммунистчасига ҳаёт кечириш иштиёқи билан тўлибтошганлари ҳолда совет кишиларига хос сабот-матонат ва ирода бирлиги билан меҳнат қилмоқдалар, бир-бирига дўстона ёрдам бериб, ажойиб ҳамкорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Етти йиллик планни ва унинг биринчи йили топшириқларини тўла ва ошириб бажариш истаги бригадамизнинг ҳар бир меҳнатсевар аъзоси қалбидан чуқур жой олган. Мен ишонтириб айтаманки, улар ўз аҳдиймонлари устидан чиқадилар ва бу умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Йиғилишда сўзга чиққан сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият шаҳар бўлимининг масъул секретари ўртоқ **Ананьев** етти йиллик план топшириқларининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан идеология ишлари савиясига, меҳнаткашлар ўртасида олиб бориладиган лекция пропагандасининг таъсирчан бўлишига боғлиқ эканлиги, бунинг учун даставвал юқори малакали лектор кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги ҳақида гапирди.

— Лекин,— деди ўртоқ Ананьев, — имконият бўлатуриб, лекция пропагандаси ишига олий ўқув юртларининг ўқитувчи-профессорлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтларининг илмий ходимлари кам жалб этилган. Район партия ташкилоти ана шу катта илмий кучларни лекция пропагандасига актив жалб қилишда бизга яқиндан ёрдам берса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Тошкент радиодеталлари заводининг директори ўртоқ **Чобанов** корхона коллективи 1959 йил планини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборганлиги, ишлаб чиқариш процессини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан етти йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини икки мартадан зиёдроқ кўпайтириш кўзда тутилганлигини айтди. Бунинг учун заводни кенгайтириш ва уни реконструкция қилишни тезлаштириш керак. Шу билан бирга мен инженер-техник ходимларнинг малакасини муттасил ошириб бориш учун шаҳарда систематик ишлайдиган курс ташкил этиш лозим, деб ҳисоблайман.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам район экономиси ва маданиятини бундан кейин ривожлантириш ҳамда меҳнаткашлар фаровонлигини янада ошириш билан боғлиқ бўлган кўпгина характерли мисолларни айтиб ўтдилар.

Актив йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан амалий тадбирлар белгиланган кенг қарор қабул қилди.

А. ШЕРМУХАМЕДОВ.

КИРОВ РАЙОНИ

Киров районининг меҳнаткашлари ўтган йиллар мобайнида саноат, қурилишни, маданиятни юксалтириш соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Район хўжалигининг етти йилликлари истиқболи янада порлоқ, 1965 йилга бориб саноат маҳсулотининг ялпи ҳажми 1958 йилдагига қараганда бир ярим баравар ошади. Янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, оғир иш процессларини механизациялаштириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги қариб 40 процент оширилади. «Узбексельмаш» заводида 30 дан ортиқ конвейер қуриб, ишга туширилади, 9 поток линияси ташкил этилади. Экскаватор-ремонт заводида металл конструкциялари цехи ишга туширилади.

Яқинда бўлиб ўтган район партия активининг йиғилишида КПСС XXI съездининг якунлари ва район партия ташкилотининг вазифалари ҳақида доклад қилган район партия комитетининг секретари **В. Усмонов** ва музокарада чиқиб сўзлаган ўртоқлар шу ҳақда гапирдилар.

«Узбексельмаш» заводининг директори ўртоқ **Стикайло** корхона коллективи съезд шарафига социалистик мусобақани қизитиб, 1958 йил планини муддатидан илгари бажаргани ва пландагига қўшимча равишда қариб 7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаргани ҳақида гапирди.

Завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари съезд қарорларига жавобан етти йилликнинг биринчи йили—1959 йил планини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олиб, ҳозирги кунларда ҳеч қачон кўрилмаган даражада ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Ўртоқ **Сергеев** — 1-тикув фабрикаси партия бюросининг секретари— маҳсулотнинг сифатини яхшилаш масаласига тўхталди. У, ўтган йили истеъмолчилардан 114 та эътироз тушганлигини ва шу сабабли ҳозирги вақтда корхонада бракка қарши кураш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланаётганлигини кўрсатди.

«Таштрансмаш» заводининг директори ўртоқ **Шувалов**нинг айтишича, ҳозирги вақтда завод коллективининг эътибори барча мавжуд резервлардан тўла-тўкис фойдаланиш ва шу асосда 1959 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб етти соатлик иш кунига кўчиқиш қаратилган. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Чунончи ҳозирги вақтда қуюв цехида ишлаб чиқариш процессларининг кўпчилик қисми қўл кучи билан бажарилаётир. Тупроқ тайёрлаш бўлимидаги ишларни механизациялаштириш ва янги конвейер қуриш мўлжалланаётир. Бу, қўл меҳнатини 20 процент камайтириш имконини беради.

— Пайпоқ-трикотаж фабрикасининг коллективи, — деди фабрика меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи ўртоқ **Степанян**, — КПСС XXI съезди ишининг якунларини муҳокама қилар экан, ўз зиммасига янги, оширилган социалистик мажбурият олди. 1959 йил планини 22 декабрда бажариш ва йил охиригача қўшимча равишда бир ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, рационализаторлик таклифларини амалга ошириш ҳисобига 500 минг сўм маблағни иқтисод қилишга қарор қилиди.

Ремонт-подшипник заводи план бўлимининг бошлиғи ўртоқ **Лямичев** меҳнат ва ижод программаси бўлган съезд қарорларининг аҳамиятини тўла тушунган корхона коллективи уни амалга ошириш учун курашни зўр ғайрат ва ташаббус билан бошлаб юборганлиги, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ҳамда унинг таннархини камайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланаётганлиги ҳақида гапирди.

Шунингдек у, корхонанинг моддий-техника таъминотига етарлик эътибор бермаётганликлари учун Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик бошқармасининг ходимларини қаттиқ танқид қилди.

Актив йиғилиши қабул қилган қарорда КПСС XXI съезди қарорларини якдиллик билан маъқуллади ва уни амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади.

М. КОМИЛОВ.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ИШИНИ, ТУБДАН ЯХШИЛАЙЛИК!

Пойтахтимиздаги «Баҳор» ресторани ҳузурида ярим фабрикатлар сотилаётган махсус магазин ишлаб турибди. Магазин учун ресторан цехларида ярим фабрикатлар тайёрлаб берилади. Харидорлар бу ерда сотилаётган котлет, гуляш, чучвара каби ва бошқа гўштли ярим фабрикатларни мамнун бўлиб сотиб олмоқдалар. Суратда: «Баҳор» ресторани ҳузурида очилган ярим фабрикатлар билан савдо қилиш магазинида.

М. Нуриддинов фотоси.

Аҳолига намунали хизмат кўрсатайлик

«Ўзбекбирлашув» правлениеси раисининг ўринбосари М. Ф. АРДАБЬЕВ билан суҳбат

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг умумий овқатланишни янада ривожлантириш ва яхшилаш тўғрисидаги қарори республика матлубот кооперацияси ходимлари ҳамда пахта далаларининг меҳнаткашлари томонидан қизғин маъқулланиб кутиб олинди.

Республика матлубот кооперацияси КПСС XX съездининг қарорларини бажара бориб, анча ишлар қилди. Ана шу давр ичида қишлоқларда 500 дан ортиқ ошхона ва чойхона қурилди.

Пахтакорлар ўтган йили иссиқ овқатларни бевосита далага етказиб беришни ташкил қилган илғор қишлоқ кооператорларининг ташаббусини қизғин маъқулламоқдалар. Шундай қилиб, 11.400 далачилик бригадасига хизмат кўрсатилди.

Кейинги вақтларда кооперация ходимлари умумий овқатланиш корхоналари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишга катта эътибор бера бошладилар. Масалан, ўтган йили 1957 йилдагига нисбатан қарийб 7 минг тонна гўшт, 12 минг тоннадан зиёдроқ картошка ва сабзавот, 5.400 минг дона тухум кўп сотиб олинди.

«Ўзбекбирлашув» правлениеси 1959 йилда қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш планини тасдиқлади. Бунда савдо ишларининг янги формаларига катта эътибор берилган. Райён марказларидаги ошхоналар уйларга ва абонементлар бўйича овқат сотишни кенгайтирди. Бир қанча жойларда сотувчисиз буфетлар ва полуфабрикатлар тайёрлайдиган 20 цех ташкил қилинади. Хўрандалар ўз-ўзига хизмат қиладиган 15 ошхона очилади. Шунингдек шарқ ширинликлари, печенье, пирожное ва кекслар ишлаб чиқарадиган районлараро 40 кондитер цехи ташкил қилинади. Транспорт тўхталадиган жойларда ҳамда автомагистралларда овқат маҳсулотларини доналаб сотадиган 550 лоток ишлайди. Кўпчилик чойхоналарда миллий таомлар пиширилади. Ошхоналар жиҳозланмоқда, бир қанча ошхоналарда эса пархизли овқатлар тайёрлаш ташкил қилинади. Қишлоқ жойларида 37 ресторан очилади.

Хўрандаларга қулайлик яратиш мақсадида тажриба тариқасида совхозларнинг, РТС ва МТСларнинг ошхоналарида энг кўп истеъмол қилинадиган таомларга, шунингдек мактаб буфетларида сотиладиган маҳсулотларга қатъий нархлар белгиланди.

Умумий овқатланиш корхоналаридаги маҳсулотларнинг ассортименти кенгайтирилади. Сут ва сабзавотдан тайёрланадиган арзон таомлар анча кўпайтирилади. Қишлоқ ошхоналарида ана шундай таомларнинг миқдори 20 процент кўпайтирилади.

Устама харажатларни камайтириш юзасидан чоралар кўрилмоқда. Ҳатто энг кам қилиб ҳисоблаганда ҳам бу ҳол таомларнинг нархини тахминан 20 процент камайтириш имконини беради.

Нонвойхоналар кўпайтирилади. Қишлоқ жойларида оби нонлар ёпиладиган 70 махсус цехлар ташкил қилинади.

Умумий овқатланиш корхоналарини махсус ускуналар билан янада кўпроқ таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Умумий овқатланиш корхоналарини кескин суратда кўпайтириш яқин мутахассислар тайёрлашни тақоза қилмоқда. Ана шу мақсада республикада ошпазлар тайёрлаб чиқарадиган 6 мактаб-ошхона ташкил қилинади. Ошпазларнинг малакаларини ошириш учун ошхона ва ресторанлар ҳузурида қисқа муддатли семинарлар ташкил қилинади. Семинарларда тажрибали кулинарлар раҳбарлиги остида 500 киши тегишли амалий таълим олади. Йигит ва қизлардан 120 киши республика кулинария мактабида ўқийди.

«Ўзбекбирлашув» правлениеси қишлоқда умумий овқатланишни янада ривожлантириш ва яхшилашнинг етти йиллик планини тузиб чиқди. Бир мингдан ортиқ ошхона ва чойхона қурин қўзда тутилади. Шунингдек ана шу муддат ичида ошхоналардаги ўринларни 40 мингтага кўпайтиришга қарор қилинди.

Паррандалар, қора моллар қўчи, ёчки ва чўчқалар боқиладиган махсус ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилинади. Улар умумий овқатланиш корхоналарининг гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларининг қарийб ярмини таъминлайди.

Етти йиллиқнинг охирги йилида умумий овқатланиш корхоналарининг оборoти 1957 йилдаги 521 миллион сўм ўрнига 1 миллиард 21 миллион сўмни ташкил қилади.

(ЎзТАГ).

Умумий овқатланиш корхоналарининг ишини қайта қурамиз

Партия ва ҳукуматимиз умумий овқатланишни кескин равишда ривожлантириш учун муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий овқатланишни янада ривожлантириш ва яхшилаш тўғрисида»ги янги қарори бунинг ёрқин далилидир.

Район матлубот союзи умумий овқатланиш корхоналарининг ишини яхшилаб, овқатларнинг турини кўпайтириш, истеъмолчиларга лаззатли овқатлар тайёрлаб беришда дастлабки муваффақиятларни қўлга киритди. 1958 йил плани 101,5 процент бажарилиб, областда биринчиликни эгалладик. Ошхоналар, буфетлар сони кўпайтирилди. Қўйлиқ қишлоқ Советидаги чайная истеъмолчиларга дуруст хизмат қилаётир. Оборот плани ҳам доим ошириб бажарилади, овқатларнинг тури эса анча кўпайди, сифати яхшиланди. Шунинг учун ҳам умумий овқатланиш корхоналари ошхонада пишириладиган овқатларни 37,7 ўрнига 42,4 процент қилиб адо этдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Министрлар Совети матлубот кооперацияси ходимлари зиммасига қишлоқда умумий овқатланишни тубдан яхшилаш вазифасини топширди. Биз бу вазифани сидқидиллик билан бажариб, хўрандаларга арзон ва лаззатли овқатлар тайёрлаб бериш учун зарур тадбирларни белгиладик.

Ўтган йил умумий овқатланиш бўлими ихтиёрига беш гектар ер берилган ва бу ерда ёрдамчи хўжалик ташкил қилиниб, чўчқаларни боқиб семиртирадиган ва болаларни тез ўсиб етиштирадиган махсус бино қурилган эди. Бу ерда ҳозир 42 та она чўчқа ва 50 дан ортиқ чўчқа болалари боқилмоқда.

Райён ижроия комитети бу йил 8,5 гектар ер ажратиб берди. Ёрдамчи хўжаликни янада кенгайтириш учун катта имконият туғилди. Ёрдамчи хўжаликда паррандачилик фермаси ташкил қилинадиган бўлди. Унда товуқ, ўрдак, ғоз, курка боқилади ва кўпайтирилади. Гўшт, картошка, турли сабзавотлар ёрдамчи хўжаликда етиштирилиши натижасида овқатларнинг таннархи анча арзонлашади.

Бу йил умумий овқатланиш корхоналарининг тармоғи янада кенгайтирилади. Қўйлиқ қишлоғидаги янги чойхонада лагмон, манти ва бошқа турли миллий овқатлар пиширилади. Ошхоналарнинг малакаларини ошириш учун ошхона ва ресторанлар ҳузурида қисқа муддатли семинарлар ташкил қилинади. Семинарларда тажрибали кулинарлар раҳбарлиги остида 500 киши тегишли амалий таълим олади. Йигит ва қизлардан 120 киши республика кулинария мактабида ўқийди.

«Ўзбекбирлашув» правлениеси қишлоқда умумий овқатланишни янада ривожлантириш ва яхшилашнинг етти йиллик планини тузиб чиқди. Бир мингдан ортиқ ошхона ва чойхона қурин кўзда тутилади. Шунингдек ана шу муддат ичида ошхоналардаги ўринларни 40 мингтага кўпайтиришга қарор қилинди.

Қорасув район матлубот союзи правлениесининг раиси.

ЕР ВА БАРЧА ТЕХНИКАНИ ЧИГИТ ЭКИШ МАВСУМИГА ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЯЙЛИК!

★

Тюпкачилар сафи кенгаймоқда

Республика пахтакорлари XXII қурултойида қатнашган трактор-далачилик бригадалари бошлиқларининг Мурожаатидан кейин Октябрь райони колхозларида трактор-далачилик бригадалари сонини кўпайтиришга астойдил киришилди.

Ўтган йили Киров номли колхозда 3 та трактор-далачилик бригадаси бўлиб, улар оддий далачилик бригадаларига қараганда яхши натижаларга эришдилар. 20 ишчи кучига эга бўлган Ўртоқ Бойбўлов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси 120 гектар ердан 31 центнердан, 30 ишчи кучига эга бўлган Ўртоқ Толибов бошлиқ оддий далачилик бригадаси эса 63 гектар ердан 27 центнердан пахта ҳосили етиштирганлиги бунинг ёрқин мисоли бўлаолади. Шунинг учун колхоз аъзолари бу йил яна 3 та трактор-далачилик бригадаси туздилар.

Меҳнатни уюштиришнинг янги формаси бўлган трактор-далачилик бригадалари тузишга районнинг Сталин номли колхозида ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Колхознинг илғор механизаторлари акаука Рамазоновлар ҳам В. Тюпко, Н. Бекиров Ўртоқлар тажрибаси асосида ишлашга аҳд қилганлар. Шу кунларда ҳар иккала колхозлаги трактор-далачилик бригадаларининг аъзолари социалистик мусобақа асосида ишлашиб, чигит экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Т. ИМОМОВ.

Ер ва техника чигит экишга тайёр

Колхоз аъзолари партия XXI съезди қарорларини ўрганиб чиқанларидан кейин мўл ҳосил учун кураш янада авж олиб кетди. Ҳайдов тракторларининг тўхтовсиз ишлаши таъминланди. Ерга яхоб берайтган, далага гўнг чиқараётган кишиларнинг сони кўпайтирилди. Техника ремонти тезлаштирилди.

Ана шу тадбирлар туфайли чигит экиладиган ерлар сифатли шудгор қилиб қўйилди. Далага қўшимча равишда 2000 тонна гўнг чиқарилиб, махсус чуқурларга кўмилди.

Колхоз механизаторлари Ўртоқ Нейман бошчилигида техника ремонтини барвақт тугатиш учун кураш бошлаб, қисқа муддат ичида 12 универсал ва 12 сеялкани экиш кампаниясига тахт қилиб қўйдилар. Улар чигитни квадрат-уялаб экадиган агрегатларни ҳам тўла ремонтдан чиқардилар.

Ҳозирги кунда режа сими тортиб, чигит экишга бевосита қатнашадиган кадрлар ўқитилмоқда. Шунингдек колхозда бригада ва звено бошлиқлари учун ҳам қисқа муддатли махсус агротехника курслари ташкил қилинган.

Мирзачўл районидаги «Москва» колхози аъзолари бу йил гектаридан 28 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

И. ҲАЙДАРОВ.



Юқори Чирчиқ РТСида техника ремонти жадал усул билан ўтказилмоқда. Бу соҳада, айниқса В. Мостюгин ва З. Зокиров ўртоқлар бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаётирлар. Суратда: (чапдан) райондаги «III Интернационал» ва «Меҳнат бирлик» колхозларининг қишлоқ хўжалиги машиналарини ремонт қилаётган илғор механизаторлардан В. Мостюгин ва З. Зокиров ўртоқлар иш устида.

М. Шевелев фотоси.

Қишлоқ механизатори

Тушки овқат вақтида кўчма устахонага «Жанговар варақа» ёпиштирилди. Трактор бригадасининг аъзолари унда ёзилган мақолаларга кўз югуртирар эканлар, кимдир:

— Ўқинглар, Мария Ковалева ҳақида ёзишибди. У смена топшириғини бажаришда ҳаммамиздан ҳам ўзиб кетибди, топшириқни 200 процент бажарибди, — деди.

Шу пайт йиғилганлар орасида иш кийими кийган, баланд бўйли Мария пайдо бўлди. Механизаторлар қолиб қизни табрикладилар.

— Қойилмиз, Мария, — бригада механиги Яков Караванцев Марияннинг қўлларини маҳкам қисди.

Колхозчиларнинг, механизаторларнинг Марияга бўлган бундай яхши муносабатлари, ҳурматлари ўз-ўзидан вужудга келмади, албатта. Механизатор қиз бундай обрўга ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари туфайли эришди.

Бундан тўрт йил илгари Мария прицепщик бўлиб ишларди. Бир куни бригада механиги Марияни чақириб:

— Сени механизаторлар тайёрлаш курсига ўқишга юборсак, хўш, нима дейсан, — деб сўради. Бу маслаҳатни Мария бажонидил қабул қилди. Орадан кўп ўтгани йўқ. Экиш бошланишидан бир ойча илгари ғайратли қиз Бўка район 2-МТСи ҳузуридаги механизаторлар курсини муваффақиятли тамомлади.

— Мана, университни қабул қилиб ол, — деди МТС директори уни колхозга жўнатиш олдидан.

— Раҳмат, — деди бир неча йил ишлатилган универсални кўздан кечирар экан Мария, — зарари йўқ, қайтадан ускуналаб янги қилиб оламиз.

Мария ўз сўзининг уддасидан чиқди. У биринчи йили, ҳали у қадар тажрибага эга бўлмаган бир пайтда дадиллик билан ишга киришиб, 60 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экди. Мавсумда 620 гектар ердаги ғўзани узунасига ва кўндалангига парвариш қилди. У хизмат қилган бригада колхоз бўйича энг юқори ҳосил олишга эришди.

1956 йил Марияннинг ҳаётида муваффақиятли йил бўлди. У 870 гектар ердаги ғўзага ишлов берди. Кузда эса ўз агрегати билан 200 тоннадан ортиқ кўрак чувиди. Ўша йили Тимирязев номли колхоз ҳам йиллик планини ортиғи билан бажарди. Мария хизмат қилган бригада эса ҳосилдорликни бир йилнинг ўзида 12 центнерданга оширди.

Ўша йили Мария 1000 тага яқин меҳнат куни ишлаб, 2,5 тонна галла, 10 минг сўмдан ортиқ пул олди. Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ механизаторининг хизматларини тақдирлаб уни Ленин ордени ва «Москвич» машинаси билан мукофотлади.

Ўтган йили ўз муваффақиятларини мустаҳкамлаш учун кураштган Мария 60х60 усулида жойлаштирилган ғўзаларни икки томонлама парвариш қилишда бошқаларга намуна кўрсатди. Кузда СХМ-48М машинаси билан 40 тонна пахта терди. УПХ-1,5 машинаси билан эса 185 тонна кўрак чувиди.

Мария Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиғи ва колхоз правлениеси томонидан «Рекорд» телевизори ва хотиралар велосипеди билан мукофотланди.

Шу кеча-кундузда Мария ўз касбдошлари билан биргаликда кўклам чигит экиш кампаниясига тайёргарлик кўрмоқда. Ўзининг қадрдон ўша универсалини сифатли ремонтдан чиқариб, сеялкаларни тиркаб барча асбоб-ускуналарни тахт қилиб қўйди. У ўз зиммасига мавсумда 1000 гектар ердаги ғўзани икки томонлама парвариш қилишдек юксак мажбурият олди.

Бўка район Совети депутатлигига дадиллик билан сайланган қишлоқ механизатори Мария Александровна Ковалева ўз аҳдининг уддасидан чиқади.

Ф. АБДУЛЛИН.

☆ ☆ ☆

ЮҚОРИ ҲОСИЛ УЧУН

Ленин номли колхоз аъзоларининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида ўтган йилнинг иш якунлари муҳокама қилиниб, бу йилги амалга оширилиадиган тадбирлар белгиланди. Колхозчилар, механизаторлар сўзга чиқиб, ўтган йили пахта етиштириш соҳасида йўл қўйилган баъзибир камчиликларни айтиб ўтдилар. Шунингдек, бу йил ҳосилни кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Шу йиғилишда комсомол-ёшлар бригадаси ва звеноси бошлиқларидан Мамажонова, Эсонов, Сайфуллаева ўртоқлар сўзга чиқиб, ҳар гектар ердан 35-44 центнердан ҳосил топширишга қарор қилганликларини айтган эдилар.

Комсомол-ёшлар ўзларининг юксак мажбуриятларини амалда бажариш учун курашмоқдалар. Қишки дала ишлари кун сайин кучайтирилмоқда. Йўлдошева, Ваҳобова, Иброҳимова, Маматова сингари ёшлар далага ўғит ташиб чиқаришда ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар.

Колхозда янги суғориш тармоқларини тартибга солиш, карталарни текислаш, марза ва бурчакларни текислаб, экин майдонларини кенгайтириш ишлари ҳам қизитиб юборилган. Бу ишларнинг бажарилишида юқорида айтилган комсомол-ёшлар бригада ва звеноларининг аъзолари ғайрат ва ташаббус кўрсатмоқдалар.

Райондаги Сталин номли колхозда ҳам иш қизғин. Бу ерда комсомол-ёшлардан иборат бешта назорат пости ташкил этилган эди. Улар қишлоқ хўжалик техникаси, асбоблари ремонтини тезлаштиришда катта ёрдам бермоқдалар. Комсомолларнинг кучи билан колхоз саройида занг босиб, ташландиқ ҳолда ётган бешта плуг, тўртта сеялка ремонт қилинди. Шунингдек устахонадаги 27 плуг, бир қанча сеялка ва культиваторлар ҳам сифатли ремонтдан чиқарилди. 3 та ДТ-14 агрегати билан ҳар куни ўғит ташилади.

К. ДОВУРБОЕВ.
Чиноз райони.

Агрозоотехника ўқуви бошланди

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида ва Киров номли совхозда бригадалар, дала мудирлари, агрономлар ҳамда чорвачилик ходимларининг агрозоотехника ўқуви бошланди. Бу ишга район партия комитети ва қишлоқ хўжалик инспекцияси томонидан юборилган мутахассис ходимлар раҳбарлик қилмоқда, курс қатнашчилари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари агротехникасини ўрганиш билан бирга, КПСС XXI съезди материаллари билан ҳам танишмоқдалар.

«Ғўзанинг ботаник, агробиологик ҳолати, унинг навлари ва уруғчилик», «Пахтадан юқори ҳосил етиштиришда пахта ва бедани алмашлаб экишнинг аҳамияти» деган темаларда ўтказилган машғулот ўқувчиларни айниқса қизиқтирди. Агрозоотехника ўқувида қатнашаётган колхоз, совхоз кадрлари «Чигитни квадрат-уялаб экиш», «Ғўзани техника ёрдамида икки томонлама ишлаш», «Техникадан тўғри ва унумли фойдаланиш» ва «Хўжаликни юксалтиришда қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганишнинг роли ва хўжалик ҳисобига ўтишнинг афзалликлари» ва бошқа темалар юзасидан ҳам лекция тингладилар.

Шуни айтиш керакки, агрозоотехника ўқувига Ленин номли, Сталин номли колхозларнинг аъзолари актив қатнашиб, ўтилган дарсларни пухта ўзлаштирмоқдалар. Бироқ «XX партсъезд» ва Куйбишев номли колхозлардан дарсга кам киши қатнашади. Бу аҳволга хотима бериш керак.

Юқоридаги колхозларнинг кадрлари агрозоотехника ўқувига тўла қатнашиб, назарий билимларини практика билан боғлаган ҳолда ишда кенг қўлланишлари лозим.

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
М. АБДУЛЛАЕВ.

Сўзимиз қатъий

— Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштирамиз, сўзимиз қатъий.

Комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Ўртоқ Эгамқул Рўзиқулов йил бошида колхозчиларнинг умумий йиғилишида сўзга чиқиб, эл олдида ана шундай ваъда берган эди.

Комсомол-ёшлар ўз сўзаларининг уддасидан чиқиш учун дала ишларини ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар. Шу кунларда далаларни айлансангиз, ариқ-зовурларни тозалаётган, маҳаллий ўғит ташиб чиқараётган колхозчиларни кўрасиз. Комсомол-ёшлар область қишлоқ хўжалик ходимларининг ақлида бўлиб ўтган кенгашида белгиланган тадбирларни амалга ошириб, мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бригада 60 гектар ерга яхоб берилди, шўри ювилди. Шунингдек 2500 метр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланди. Комсомол-ёшлар барча транспорт воситаларидан унумли фойдаланиб, маҳаллий ўғит тўплашни қизғин давом эттирмоқдалар.

Колхозчилардан Ризолат Норқулова, Рузвон Муқимова, Бектўра Ҳолтўраев, Расулжон Каримов каби ўртоқлар бригаданинг фахри ҳисобланади. Бу азаматлар дала ишларида актив қатнашиб, кундалик топшириқни ҳамма вақт ортиғи билан бажариб келмоқдалар.

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхозининг ўртоқ Эгамқул Рўзиқулов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида қўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кун сайин кучайтирилмоқда. Булардан ўрнак олган колхознинг бошқа бригадалари аъзолари ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Қ. КЕНЖАЕВ.

Камчиликлар такрорланмаслиги керак

КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленумидан кейин Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг аъзолари ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бир мунча ютуқларни қўлга киритдилар. Колхоз йириклашиб, экин майдони кенгайди, моддий техника бойлиги ортди.

Шу колхоз аъзоларининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши 1958 йил якунини муҳокама қилди. Колхоз раиси Ўртоқ Ж. Рустамов ҳисоб берди. Докладчи, музокарага чиқиб сўзлаган Ўртоқлар КПСС XXI съездининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан белгилаган вазифалари катта ва гоят масъулиятли эканлигини қайд қилиб, асосий эътиборни ҳал этилмаган масалаларга, кўклам экишига тайёргарликни даҳол қизитиб юборишга, мавжуд имконият, резервлардан тўла фойдаланиш зарурлигига қаратдилар.

Колхоз хўжалиги анча ривожланиб, айрим соҳалар муваффақиятли якунланди. 1957 йилга нисбатан ўтган йил сметада кўрсатилганидан 441 минг сўм ортиқ даромад олинди. Сабзавотчиликдан 173.100 сўм ўрнига 247 минг сўм, чорвачиликдан 495.834 сўм ўрнига 622.392 сўм кассага тушди. Сметада турли соҳалардан 153.166 сўм нақд пул келиши мўлжалланган бўлса, йил охиригача 458 минг 351 сўм даромад келди. Колхоз давлатга гўшт, сут, тери, жун ва галла топшириш планларини тўла ва ошириб бажарди. Тухум етказиб бериш плани эса 67 процент бажарилди, холос.

Колхоз хўжалигининг айрим тармоқларидан ана шундай кўп пул даромади олинган бўлса ҳам бироқ, умуман пул даромади юзасидан берилган топшириқ 86,6 процент бажарилди. Оқибатда колхозчиларнинг меҳнат кунлари қиймати 1958 йилда 1957 йилга нисбатан анча пасайиб кетди. Масалан, 1957 йилда колхозчиларнинг бир меҳнат кунига 11 сўм 92 тийиндан пул, 2,2 килограммдан галла тақсимланган эди. Ўтган йили эса молия плани бажарилмаганлиги учун бир меҳнат кунига 7 сўм 35 тийиндан пул, 1,8 килограммдан галла тақсимланибди.

Колхозда пахтачилик, чорвачилик, умуман хўжаликнинг ҳамма тармоғи бир меёрда ривожлантирилмаётир. Куч етарли, техника мавжуд бўлса ҳам колхоз правлениеси булардан унумсиз ва қониқарсиз фойдаланмоқда. Ҳосилдорликни оширишнинг учун дала алмашлаб экиш жорий қилинмади. Дала ишлари ва чорвачиликка ишнинг кўзини билиб, тўғри раҳбарлик қилинмади.

«Қизил Октябрь» колхозида пахта, тўшт, сут маҳсулотлари етиштириш суръати паст. Пахтани биринчи сортларга кўпроқ топширишга эътибор берилмайди. Ўтган йили теримнинг биринчи кунларидан бошлабоқ пахтанинг сортлари аралаштириб терилди, кўп қисми ифлос, чўп-хашакка аралаштирилди. Натижада 2148 тонна пахтадан фақат 6 проценти биринчи сортга топширилган. 1275 тонна пахта тўртинчи сортга топширилиши кечиримас бир ҳолдир. Бунинг устига пунктга юборилган пахта нам бўлгани учун кўп чегирилган, ифлослиги сабабли колхоз 99 минг сўмдан ортиқ штраф тўлаган.

Қишлоқ хўжалигида асосий вазифа маҳсулот етиштиришни кўпайтириш билан унинг таннархини камайтиришдан иборатдир. Афсуски колхоз правлениеси кейинги йилларда ишлаб чиқариш харажатларининг ҳаддан ташқари бўлмайиб кетишига йўл қўяётир. Оқибатда маҳсулотларнинг таннархи қимматга тушмоқда.

Масалан, колхозда 1957 йилда 1 центнер пахта етиштиришга 7,6 меҳнат куни сарфланибди. Ўтган йили эса 8,2 меҳнат куни харажат қилинган. Ўша йили 1 центнер пахта 304 сўмга сотилган бўлса, 1958 йилда пахтанинг сифати паст бўлганидан 291 сўмга сотилибди. Тухум етиштириш икки баравар камайган. Колхозда чорвачилик маҳсулотларининг таннархи қимматга тушмоқда. 1957 йилда 1 центнер сут 132 сўм 30 тийинданга тушган эди. Ўтган йили эса 236 сўм 30 тийинга, 1 дона тухум 1 сўм 57 тийинга тўғри келди.

Чорвачиликни юксалтириб, маҳсулотларини кўпайтириш муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Колхоз правлениеси чорвачиликка нисбатан нотўғри муносабатда бўлганлиги учун музокарага чиқиб сўзлаган ўртоқлар қаттиқ танқид қилдилар. Ферма мудирларига, чорвачилик ходимларига нисбатан талабчанлиқ бўшаштириб юборилган. Ферма мудирлари Эрақаев, Ким ва бошқа ўртоқларнинг масъулиятсизлиги сабабли 160 бош қорамол, қўй-эчки нобуд бўлган.

Шуни ҳам айтиш керакки, колхоз правлениеси сахийлик қилиб, айрим соҳалардан олинадиган даромадларни тўғри ҳисобга олмаган. 95 яшик асалари Ёқуб Хусаинов ихтиёрида. Унга меҳнат куни тўланади, асалари учун катта маблағ сарфланади. Лекин 2 йилдан буён бир килограмм ҳам асал олинмабди. Асал колхоз даромадига қўшилмай сарфлаб юборилгани умумий мажлисдаги фикрлардан маълум бўлди.

Паррандачилик — гўшт етиштиришда муҳим резерв ўсиб боляпти. Афсуски колхоз правлениеси бунинг фарқига бормаган. Ортиқча ташвиш деб паррандачиликнинг ривожланишига кенг йўл берилмаган. Колхозда жой, сув ва бошқа имкониятлар бўлгани ҳолда, фақат 390 та товуқ, ўрдак бор. Пиллачиликда ҳам шундай жиддий камчиликларга йўл қўйилиб келинмоқда. Пилланинг бир килограмми учун 38 сўм сарфланиб, 28 сўмга сотилади.

Бир қатор колхозлардаги сингари «Қизил Октябрь» колхозида ҳам қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш, хусусан жамоат мулки ва ерларини талон-торож қилиш, спекуляцияга йўл қўйишдек хунук фактлар содир бўлган. Колхоз правлениеси кенг колхозчилар оммасидан ажралиб қолган.

— Колхоз раиси Ўртоқ Рустамовнинг айби билан, — дейди Ўртоқ С. Саидхонов ўз сўзида, — жамоа ерлари талон-торож қилинди. Ер ижарага берилиб, қовун-тарвуз, сабзавот эктирилди. Аммо ижарачилар колхозга ўз манфаат етказилар. Шохназаров, Галистиян, Ассанин ерлари тасодифий шахслар қўлига «колхоз аъзоси» деб ҳужжат берилди. Улар колхозчилардан 2-4 сўмдан саримсоқ пиёз олиб, 9-10 сўмдан пулладилар. Колхоз ички демократияси принципларининг бузилиши фактлари ҳам бўлди. Колхоз правлениеси ҳам, тафтиш комиссияси ҳам ана шулар ҳақида йиллаб ҳисоб бермайди. Бундай камчиликларга чек қўйиш учун аллақачон вақт келган.

— Колхоз бир неча йиллардан бери, — деди Ўртоқ Х. Жўраев, — пахта тайёрлаш планини бажармайди, ҳосил йилдан-йилга пасайиб кетаётир. Ўтган йил ҳосил ҳар гектаридан 5 центнерданга қамайди. Бунга биринчи навбатда колхоз правлениеси, унинг раиси Ўртоқ Рустамов, ҳосилот советлари, бригада бошлиқлари айбли. Катта кўчалар атрофи, одамлар кўрадиган жойлардаги ғўзалар сифатли парвариш қилинади-ю, аммо карталарнинг этаклари, четроқ участкаларга борсангиз, ягана қилинмаган, парваришсиз ташлаб қўйилган ва чанқаган ғўзаларни кўрасиз. Колхоз раҳбарлари бўлиқ ғўзаларга магрурланиб, авжи паст ғўзаларни парвариш қилишга эътибор бермайдилар. Натижада ҳосил камаяди, колхоз пахта планини бажаролмайди.

Колхоз етти йиллиқнинг биринчи йилида 920 гектар ерга чигит экиб, она-Ватанимизга 2115 тонна ёқи гектаридан 28,4 центнердан пахта топшириши керак. Бир йилда ҳосил ҳар гектаридан 6 центнерданга кўпайтирилиши зарур.

Бироқ колхозда чигит экишга тайёргарлик ўзибўларчиликка ташланган. 320 гектар ер ҳайдовсиз турибди. Ер четларини текислаш, ариқ-зовурларни қазиш, далага маҳаллий ўғит чиқариш мутлақо қониқарсиз. Ўтган йили 20 февралгача далага 6 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилган бўлса, бу йил 1900 тонна чиқарилди, холос. Фақат 700 кубометр узунликдаги ариқ тозаланиб, 13 гектар ер текисланибди. Техника ва бошқа қишлоқ хўжалик асбобларининг бир қисми ҳалигача тайёр эмас.

— Колхоз правлениеси, — дейди музокарага чиқиб сўзлаган ўртоқ А. Ҳайдаров, — ҳар йили хатоларга йўл қўймаймиз, колхозчиларнинг ишончини оқлаб, мўл ҳосил етиштирамиз, деб ваъда беради. Лекин йил охирига келиб «аттанг» дейишдан бошқа ҳулоса чиқарилмайди. Бу йилги кўклам гоят масъулиятли. Колхозимиз 3 миллион 50 минг тоннага мўносиб ҳисса кўпиши зарур. Афсуски, экишга тайёргарлигимиз амалий иш билан мустаҳкамланмаган.

Колхозчиларнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши чигит экишга тайёргарликни ҳар тарафлама қизитиб юбориш учун қимматли маслаҳат бердилар, мўл ҳосил етиштириш учун муҳим тадбирлар белгиладилар.

Умумий йиғилишда тафтиш комиссияси ва унинг раиси Ўртоқ Х. Алдаев қаттиқ танқид қилинди. Тафтиш комиссияси жамоат мулкини кўз қорачиғидай сақлашга кўзқуқоқ бўлмаган. Фермадаги айрим шахслар катта қўйларни алмаштириб, эгизларини яширган. Қурилиш бригадасининг бошлиғи Д. Ботиров 14 кубометр ёғочни ўзлаштириб олган Алдаев колхозчиларнинг ҳақли саволларига «билмадим, эплай олмадим» сингари умумий иборалар билан жавоб берди. Шунинг учун ҳам умумий мажлис тафтиш комиссиясининг ишини қониқарсиз деб топди.

«Қизил Октябрь» колхози аъзоларининг умумий йиғилиши правлениенинг янги состави раислигига Ўртоқ Ж. Рустамовни сайлади. Ундан ишни тубдан яхшилаш, раҳбарликни кучайтиришни талаб қилди.

Ш. ҚУЗАНБОЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг ходими.

Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг Ҳиндистонда бўлиши

ДЕҲЛИ, 1 март. (ТАСС мухбири). СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси А. А. Андреев, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов, шунингдек Грузия ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва ташқи ишлар министри М. И. Кучава, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг аъзоси А. Г. Шереметьев ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатлари бўлимининг мудири В. И. Лихачевлардан иборат Совет Иттифоқи ҳукумати делегацияси бугун эрта билан Ражастон штатининг Суратгарх механикалаштирилган марказий давлат фермасига борди. СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси П. К. Пономаренко, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон ва СССРнинг Ҳиндистондаги элчихонасининг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳатчиси Д. В. Тер-Аванесян совет делегациясига ҳамроҳ бўлиб бордилар.

Суратгарх шаҳарчасининг бутун аҳолиси ва ферма ишчилари совет делегациясини кутиб олиш учун кўчаларга чиқдилар. Кўп деҳконлар узоқ қишлоқлардан туя миниб келганлар.

Аэродромда гуллар билан безалган аркка рус тилида шу сўзлар ёзилган: «Яхши ният билан келган совет делегациясига қизғин салом. Ҳиндлар ва руслар бир-бирлари билан қардошдирлар».

Совет делегацияси аъзоларини Суратгарх фермасининг директори, истеъфодаги генерал-майор Махадео Сингх, область комиссари Биканир-Менон, Суратгарх шаҳар муниципалитетининг аъзолари кутиб олдилар. Шаҳар аҳолиси совет делегацияси аъзоларига гуллар тақдим этади. Совет меҳмонлари кутиб олган аҳоли билан самимий саломлашиб кўришадилар.

А. А. Андреев аҳолини табриклаб, бундай дейди: Азиз дўстлар. Совет Иттифоқи ҳукумат делегацияси совет халқининг вакилларини самимий кутиб олганлигингиз учун сизларга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилади. Биз сизларга совет халқининг энг қизғин саломини, янги ҳаёт барпо қилишингизни тилаб изҳор қилган энг яхши истакларимизни топширамиз, бизни табриклаш учун келган болаларга эса ўқишда муваффақият қозонишларини тилаймиз.

Совет делегациясининг аъзолари ўзларини кутиб олувчиларнинг ҳинди-руси, бхай-бхай! (ҳиндлар-руслар қардошлар!) деган табрик сўзлари остида аэродромдан жўнаб, ферма бошқармасига қараб йўл оладилар. Ферма директори Махадео Сингх Шарқи-Жанубий Осиёда энг йирик деб ҳисобланган механикалаштирилган ана шу давлат хўжалигининг ишлари ҳақида сўзлаб беради. Сингх таъкидлаб айтдики, 1955 йилда Ҳиндистонга келган совет ҳукумати бошлиғи ва Совет давлати раҳбари Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга келиши туфайли ва Совет ҳукумати томонидан сизларга совға қилинган машина ва асбоб-ускуналар базасида ташкил этилган. Бунинг маъноси шуки, сизнинг фермангиз Ҳиндистон ва СССР халқлари ҳамда ҳукуматлари ўртасида вужудга келган дўстона ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамнинг символи ва ёрқин намунасидир.

Иккинчи сабаб шундан иборатки, кўп миллионли мамлакат учун, хусусан аҳолининг катта кўпчилиги қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган мамлакат учун озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз ўз тажрибамиздан буни яхши биламиз. Фермангизнинг вужудга келтирилиши ва унда ишларнинг ташкил этилиши Ҳиндистон ҳукуматининг озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш ва ҳосилдорликни ошириш учун ўтказиб келаётган тадбирларидан бири бўлса керак. Фермангизнинг хўжалик жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлишигина эмас, балки унинг ҳукумат ва халқ қишлоқ хўжалик ишларини машиналардан фойдаланиш асосида А. А. Андреев ва Н. А. Муҳитдинов саволлар берадилар, ферма ишларининг турли томонлари билан қизиқадилар. Ферма директори М. Сингх ва фермада ишлаётган совет инженери, механизациялаш бўйича маслаҳатчи А. В. Селиванов саволларга жавоб берадилар.

Н. А. Муҳитдинов, жумладан, совет қишлоқ хўжалик техникаси хўжаликни олиб боришда қандай ёрдам бераётганлиги билан қизиқади. «Жуда яхши ёрдам бермоқда» деб жавоб қайтаради М. Сингх.

Шундан кейин, совет меҳмонлари ферманинг далаларига чиқадилар. Ферма далаларида мўл буғдой ҳосили етишмоқда, горчицанинг мўл ҳосили йиғиштириб олинмоқда ва янчилмоқда.

Қўшни участкаларда Совет Иттифоқидан келтирилган кучли ўрмаловчи тракторлар ва плуглар ер ҳайдамоқда. А. А. Андреев, Н. А. Муҳитдинов ва делегациянинг бошқа аъзолари ҳинд ишчилари билан гаплашадилар, совет машиналарини кўздан кечирадилар, ҳинд ишчилари бу машиналарни қандай ўзлаштираётганликлари билан қизиқадилар.

Ферма кўриб чиқилганидан кейин, ферма маъмурияти совет делегацияси шарафига зиёфат берди. Зиёфат вақтида Н. А. Муҳитдинов ва Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон нутқ сўзладилар.



Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг Ҳиндистон пойтахти — Деҳлида бўлиши. Делегация аъзолари Ҳиндистон Бош министри Жавохарлал Неру ҳузурида бўлдилар. Суратда: (чапдан) СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг аъзоси А. Г. Шереметьев, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Н. А. Муҳитдинов, Ҳиндистон Бош министри Жавохарлал Неру, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси А. А. Андреев, Грузия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва ташқи ишлар министри М. И. Кучава ва СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси П. К. Пономаренко.

А. Стужин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Н. А. МУҲИТДИНОВ нутқи

Мен Совет ҳукумат делегацияси аъзоларининг топширигига мувофиқ, ферма директорига ва бизни самимий кутиб олган ҳамма кишиларга бир неча сўз айтмоқчи бўламан.

Биз ғўзал мамлакатингизга келганимизга беш кун бўлди ва биз борган ҳамма жойда бизни чин кўнгилдан, самимий, қардошларча кутиб олдилар. Биз бугун сизнинг фермангизда ҳам кўрган ва эшитган ҳамма нарсалардан қаноат ҳосил қилдик ва кучли таассурот олдик. Менинг фикримча, бу нарса уч сабаб билан боғланган: биринчидан, директор жаноблари ҳозиргина айтиб ўтганидек, сизнинг фермангиз Совет ҳукумати бошлиғи ва совет халқининг раҳбари Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга келиши туфайли ва Совет ҳукумати томонидан сизларга совға қилинган машина ва асбоб-ускуналар базасида ташкил этилган. Бунинг маъноси шуки, сизнинг фермангиз Ҳиндистон ва СССР халқлари ҳамда ҳукуматлари ўртасида вужудга келган дўстона ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамнинг символи ва ёрқин намунасидир.

Иккинчи сабаб шундан иборатки, кўп миллионли мамлакат учун, хусусан аҳолининг катта кўпчилиги қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган мамлакат учун озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз ўз тажрибамиздан буни яхши биламиз. Фермангизнинг вужудга келтирилиши ва унда ишларнинг ташкил этилиши Ҳиндистон ҳукуматининг озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш ва ҳосилдорликни ошириш учун ўтказиб келаётган тадбирларидан бири бўлса керак. Фермангизнинг хўжалик жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлишигина эмас, балки унинг ҳукумат ва халқ қишлоқ хўжалик ишларини машиналардан фойдаланиш асосида янгича ташкил этиш йўли билан дон, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қай тарзда кўпайтира олишларини кўрсатувчи намуна бўлганлиги ҳам муҳимдир.

Ражастон сўзини ўз тилимизга таржима қилганимизда, бу сўз ражалар мамлакати деган маънони англатади. Ражастоннинг иқлими қоғ иссиқ ва қишлоқ хўжалиги учун шароитнинг оғир эканлигини яхши биламиз, аммо, шундай бўлса ҳам, Ражастон тупроғи қоғ маҳсуллордир. Бу ерда пахта, дон ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун далаларни текислаш, сув ва суғориш ишларига кўпроқ аҳамият бериш керак.

Сизлар далаларни текислаш ва суғориш системалари қуриш учун техника ёрдами билан катта иш қилмоқдасиз. Панжобда йирик деб ҳисобланган Бхакра-Нангал суғориш системасининг қурилиши бир-икки йилдан кейин кўп миқдорда сув олишингизни таъминлайди. Шундай қилиб, Ражастон янги шароитда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жуда қулай истиқболларга эга бўлади. Биз бундан астойдил хурсандмиз.

Учинчи сабаб шуки, Ҳиндистоннинг бошқа жойларида бўлгани каби сизнинг халқингиз ҳам ажойиб халқдир. Биз сизнинг кўзингиздан, чеҳрангиздан, қувончингиздан шу нарсани кўриб турибмизки, халқ бизга нисбатан самимий қардошларча қарамоқда, қардош совет халқининг вакилларини чин кўнгилдан кутиб олмоқда. Биз шундай самимий кутиб олганлигингиз ва совет халқига, унинг вакилларига қардошларча муносабатда бўлганлигингиз учун астойдил миннатдормиз. Биз йўлда бир комбайнчи билан гаплашиб қолдик. У бундай деди: «Мен фермада икки йилдан буён ишлаб келмоқдаман ва комбайнчи касбини эгаллаб олдим. Ана шу давр ичида бу ерда ҳамма нарса янгидан вужудга келтирилди. Хрушчев бизнинг юртимизга яна келиб, унинг Ҳиндистонга қилган сафаридан кейин бу ерда қандай ишлар қилганлигимизни ўз кўзи билан кўрса, айни муддао бўлур эди. Фермада кўрган ва эшитганларингизни Хрушчевга айтиб беришингизни илтимос қиламан». Фермалаги оддий ишчининг ёки сўзлари бизда кучли таассурот қолдирди. Биз ана шу комбайнчига ва ферманинг барча ишчилари ҳамда раҳбарларига ваъда бериб айтамизки, сизларнинг бизнинг тўғримизда. Совет Иттифоқи ҳақида, Совет Иттифоқи ҳукуматининг бошлиғи тўғрисида айтган самимий гапларингизни ва совет халқига нисбатан изҳор қилган дўстона туйғуларингизни ўтоқ Хрушчевга. Совет ҳукуматига ва совет халқига, албатта, етказамиз. (Қарсаклар).

Сўзимнинг охирида меҳмондўстлигингиз учун ва ферма билан танишиб чиқиш имкониятини берганлигингиз учун совет делегациясининг барча аъзолари номидан самимий ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Биз сизларни ишонтириб айтамизки, совет халқи ҳам Ҳиндистон халқига самимий, қардошларча муносабатда бўлмоқда. Биз фермангизнинг ва бутун Ҳиндистон халқининг ўзининг гўзал мамлакати бахт-саодати йўлидаги ишларида янгидан-янги муваффақиятларга эришувини чин кўнглимиздан тилаймиз. Бизга кўрсатган меҳмондўстлигингиз учун сизларга катта раҳмат. (Қарсаклар).

Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон қисқача жавоб нутқи сўзлади.

К. П. Ш. МЕНОН нутқи

Менон совет делегацияси аъзоларини чин кўнгилдан табриклаб, бундай деди:

Мен шу визит вақтида қайси мамлакатнинг фуқароси эканлигимни билмай қолдим. Ҳиндистон — менинг ватаним. Аммо, ўзим узоқ вақт яшаган Совет Иттифоқи эса менинг иккинчи ватаним бўлиб қолди. Н. А. Муҳитдинов бу ерда Совет ҳукумати Совет Иттифоқи бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга қилган визитидан кейин машина ва асбоб-ускуналарни совға қилди, деб айтди. Бу жуда тўғри гап. Аммо, мен яна шуни илова қилишни истайманки, бу фикр бош министримиз Жавоҳарлал Неру СССРга қилган визити вақтидаёқ биринчи марта илгари сурилган эди. Биз, деди яна Менон, яхши ният визити билан Ҳиндистонга келганликлари учун А. А. Андреевга, Н. А. Муҳитдиновга ва делегациянинг бошқа аъзоларига чин кўнглимиздан ташаккур изҳор қиламиз.

Менон сўзининг охирида бундай деди: Яшасин ҳинд ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик! Суратгарх фермаси бу дўстликнинг символидир.

Зиёфатдан кейин А. А. Андреев ва Н. А. Муҳитдинов овга чиқдилар.

Совет ҳукумат делегацияси кечқурун Деҳлига қайтиб келди.

Е. ЕГОРОВ.

Ядро қуроли синовлари ҳамма жойда ва абадий тўхтатилсин

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети Женева кенгаши қатнашчиларига мурожаат қилиб, атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида бир лойиҳа киритишга келишга даъват этди. Бунинг битимни, дейилади телеграммада, ядро қуроли синовлари натижасида ҳозирги ва келажак авлодларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун доимий хатар кўп таҳдид қилаётган хавфдан халос бўлишни истаётган бутун дунё халқлари сабрсизлик ва умид билан кутмоқдалар.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш тўғрисида турли мамлакатлардаги олимлар ва жамоат арбобларининг, «ядро қуролини йўқотиш юзасидан» Лондонда бўлиб ўтган конгресс қатнашчиларининг, Жаҳон Тинчлик Кенгаши бюроси Москва сессиясининг мурожаатини, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги кенгаши сессиясининг чақиригини қизғин қўллаб-қувватлайди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети Женева кенгаши қатнашчиларини инсониятнинг ақл-идроки ва виждони талабларига қулоқ солишга ҳамда бу кенгашга боғланган умидларни оқлашга бутун совет халқи номидан даъват этади.

Миллион-миллион совет кишилари, дейилади телеграмманинг охирида, ядро қуроли синовларининг ҳамма жойда, дарҳол ва абадий тўхтатилишини талаб қилмоқдалар. Буни жаҳондаги барча соф виждонли кишилар талаб қилмоқдалар.

(ТАСС).

Лейпцигда Халқаро баҳор ярмаркасининг тантанали очилиши

ЛЕЙПЦИГ, 1 март. (ТАСС мухбири). Кеча кечқурун Лейпцигда 1959 йилги Халқаро баҳор ярмаркаси очилишига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Мажлисда Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси президиумининг раиси И. Дикман, Министрлар Совети раисининг ўринбосари, ташқи ва ички герман савдо министри Г. Рау, Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Давлат план комиссиясининг раиси Б. Лейшнер, демократик Германия Миллий фронти миллий кенгашининг раиси Э. Корренс, Германия Демократик Республикаси иқтисодий ҳаётининг атоқли арбоблари, партия ва оммавий ташкилотларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлис қатнашчилари орасида ярмаркага келган ҳукумат делегацияларининг, шу жумладан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Ф. Засядько бошлиқ Совет ҳукумати делегациясининг аъзолари, бир қанча мамлакатларнинг савдо делегациялари, турли давлатлардаги саноат ва савдо доираларининг намояндалари бор эди.

Мажлисда СССР нинг Германия Демократик Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси М. Г. Первухин ва дипломатик корпуснинг бошқа аъзолари ҳам ҳозир бўлдилар.

Обер-бургомистр Э. Улих тантанали мажлис қатнашчиларини Лейпциг шаҳри маъмурлари ва аҳолиси номидан табриклади.

Шундан кейин Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ҳамда ички герман савдо министри Г. Рау катта нутқ сўзлади. Биз шунга гоят хурсандмизки, деди Рау, Халқаро баҳор ярмаркасини кейинги ҳозирги вақтда айниқса ёрқин намоён бўлмоқда. Бу ҳол социалистик мамлакатларнинг анча тез ривожланиши билан характерланмоқда, деб таъкидлайди нотиқ.

1965 йилга бориб жаҳон саноат маҳсулотининг ярмидан кўпроқ қисми социалистик лагерь мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади, деб ҳозирдаёқ айтиш мумкин. Ваҳоланки, бу мамлакатларда жаҳондаги аҳолининг учдан бир қисмигина яшамоқда. Бундай тараққиёт бўлажак дунё учун катта аҳамиятга эга. Ғарб дунёсидаги айрим мамлакатлар тонна «оқ олтин» топширдилар. Қишлоқ хўжалиги авиацияси учувчилари ишлаб чиқаришда катта ютуқларга эришдилар.

Ана шундай моҳир учувчиларнинг бири Турсунбой Расулевдир. У АН-2 самолетида экипаж билан пахта далаларини чанглаш ва пуркашда мавсум топшириқларини ортдириб ба

Республикамизда граждан ҳаво флоти хизматидан фойдаланиш йил сайин кенг тус олмоқда. Авиация ходимлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Учувчи ва авиатехниклар пахтакорлар билан бирга пахта ҳосилдорлигини оширишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ўтган йили Ўзбекистон Граждан ҳаво флотининг махсус учувчилар бўлинмаси томонидан бир миллион гектардан ортиқ экин майдони ўғитланди.

Пахта далаларига ўғит солишда авиация методини қўлланиш ҳосилдорликни гектар бошига 3-4 центнерга ошириш имконини берди. Республикамиз колхоз ва совхозлари авиаторлар ёрдами туфайли давлатга қўшимча равишда 80 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Қишлоқ хўжалиги авиацияси учувчилари ишлаб чиқаришда катта ютуқларга эришдилар.

Ана шундай моҳир учувчиларнинг бири Турсунбой Расулевдир. У АН-2 самолетида экипаж билан пахта далаларини чанглаш ва пуркашда мавсум топшириқларини ортдириб ба

жарди. Оққўрғон районидаги колхозларнинг 17 минг гектарга яқин пахта майдони сифатли қилиб озиқлантирилди.

Мана, республикамиз далаларида буюк етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йил пахта ҳосили учун кураш ҳозирдан бошлаб қизғин тус олди. Еу эса қишлоқ хўжалик авиацияси ходимлари зиммасига ҳам гоят катта вазифалар юклайди.

Шу кунларда республикамиз пахта далалари устида эрталаб то кечгача самолетларнинг овози тинмайди. Қишлоқ хўжалик авиацияси учувчилари АН-2 самолети билан шудгор қилинган ерларга минерал ўғит сочмоқдалар. Агротехниканинг бу муҳим тадбирлари ҳосилдорликни ошириш омилларидан биридир.

Турсунбой Расулев командирлик қилаётган экипаж аъзолари ҳам шу кунларда бу йил пахталаш мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Суратда: учувчи Т. Расулев.

Текст ва фото М. Вишедскийники.

ТАСС раддияси

Кейинги вақтларда Байрут ва Қоҳирадаги баъзи газеталар Ассошиэйтед Пресс агентлиги ва Американинг бошқа манбаларига таяниб, Совет Иттифоқи яҳудийларни Исроилга оммавий суратда кўчириш ниятидадир, деган хабарларни шов-шув кўтариб, тарқатмоқдалар. СССРдаги яҳудийлар делегацияси «сионистларнинг жаҳон конгресси»да қатнашади, деган овозалар ҳам тарқатилмоқда. Газеталар Америка агентликларининг ана шу хабарларини босиб чиқариш билан, Совет Иттифоқи ёмон ниятда бўлаётир ва у, араб мамлакатларига нисбатан ўз сиёсатини ёмонлаштиришни кўзда тутиб, бу сиёсатни ўзгартиришга интилаётир, деб тўнкашга уринмоқдалар.

Юқорида баён қилинганларга биноан, ТАСС Ассошиэйтед Пресс агентлиги ва Американинг бошқа агентликлари томонидан тарқатилаётган ҳамда Байрут ва Қоҳирадаги баъзи газеталар босиб чиқарган хабарлар ҳеч қандай асосга эга эмас ва иғвогарлик мақсадида қасддан тўқилган уйдирмадир, деб айтиш ваколатини олган.

Араб мамлакатлари матбуотининг юқорида айтиб ўтилган органлари Америка пропагандаси тузоғига тушганликлари ва СССРдан яҳудийларни Исроилга кўчириш тўғрисида Вашингтонда ва Тель-Авивда тўқилган масала теварагида шовқун-сурон кўтариб, Совет Иттифоқи билан араб мамлакатлари ўртасидаги дўстликка путур етказишга уринаётганларнинг тегирмонига сув қуяётганликлари ҳақида таассуф билдириш ўринлидир.

ПАХТАКОРЛАР КЎМАКЧИСИ

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НОСИР ВА ЮФХР ПРЕЗИДЕНТИ ТИТОНИНГ ҚЎШМА АХБОРОТИ

ДАМАШҚ, 1 март. (ТАСС). Халебдан хабар беришларига қараганда, бу ерда Бирлашган Араб Республикаси президенти Носир ва Югославия Федератив Халқ Республикаси президенти Титонинг қўшма ахбороти эълон қилинган. Ахборотда айтилишича, музокаралар вақтида халқаро вазият масалалари, шунингдек ҳар иккала мамлакат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинган. Ҳар иккала президент, дейилади ахборотда, «тинчликни мустаҳкамлаш учун ва тенглик, давлатларнинг мустақиллигини тамомила ҳурмат қилиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча давлатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф этиш асосида халқаро миқёсда кенг ҳамкорлик қилиш учун ўз ишларини давом эттиришга қатъий қарор берганликларини яна таъкидлайдилар».

Ахборотда Берлин проблемасини «Германия билан сулҳ шартномаси тузишга олиб келадиган дўстона ҳамжиҳатлик йўли билан» ҳал этиш зарур эканлиги кўрсатилади. Ҳар иккала томон зўр бериб қуроллашишни тўхтатиш ва атом қуролини тақиқлаш йўлида энг зарур чораларни кўриш керак, деб ҳисоблайдилар.

Янги газета

Тошкент темир йўли бошқармаси ва темирйўлчилар касаба союзининг органи «Темирйўлчи» газетаси 1959 йил 1 мартдан бошлаб чиқа бошлади. Газета ўзбек тилида ҳафтада 3 марта чиқади.

«Темирйўлчи»нинг биринчи сонида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар сайловлари кунига бағишланган бошмақола, «Тошкент темир йўли коллективининг 1959 йилги социалистик мажбуриятлари», Тошкент темир йўл бошқармаси ва темирйўлчилар касаба союзи комитетининг редакцияга ва барча темирйўлчиларга табрикономаси босилган.

Шунингдек юкчилик хизмати старший инженери В. Мелькумовнинг «Вагонлардан унумли фойдаланайлик» сарлавҳали мақоласи ва Н. Ҳакимованинг «Тошкент вокзалида» лавҳаси ва бошқа темаларда турли хабарлар босилган.

Телевизор экранида

3 МАРТДА

19.30. Болалар учун кинофильм — «Тулки ва бўри».

19.50. Қишлоқ хўжалик ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.

20.05. Ҳужжатли фильмлар — «Тевтон қиличи» операцияси» ва «Зельтадаги отпуска».

21.15. Рус тилида адабий эшиттириш.

21.35. Сўнгги ахборот.

21.55. Ўзбек тилида «Симфоник оркестр чолғу асбоблари» деган биринчи музикали эшиттириш.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заллари да

«ИСКРА» — кеч соат 6 гача янги бадиий фильм **Дўстим, қайдасан?** кеч 6-45 минутдан **Соат ярим кечада тўхтаб қолди.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Тақдир йўли,** кеч соат 10 да **Казимир.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Дўстим, қайдасан?**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

4 мартда

РСФСР халқ артисти **Ирина Бугримова** қўл остидаги

„ЎН АРСЛОН“

аттракционининг давоми ва 3 бўлимда цирк тамошалари.

Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИГА

республиканинг қурилиш трестларида за қурилиш бошқармаларида ишлаш учун бош инженерлар ва бош бухгалтерлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар Пролетар кўча, 17-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Чиғатой кўча, Ҳуррият проезди, 30- уйда турувчи **Аълам Гадойбоевнинг** Сағбон кўча, Янгиш проезд, 3- тупик, 13- уйда турувчи Мукамбар Тўлагановдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 2- участка халқ судида кўрилади.

5- Сельмаш кўча, 31- уй, 2- квартирада турувчи **Рима Дмитриевна Родионованинг** шу уйда турувчи Василий Демьянович Харитоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район, 2 участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Қишлоқ хўжалик бўлими 136 Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040, Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1543.